Mustaqil gazeta

O`zingni angla!

# HURRIYAT

Газетамизга
2008 йил учун
обуна
давом этади.
**Муштарийларимиз сафида бўлинг!**
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 12-mart, №12 (571)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

## Терговчининг «қайғу»си



***Халқимиз "Қассобга ёғ қайғуси, эчкига — жон", деб бекорга айтмаган экан. Чунки ҳамма ҳам умид билан фарзанд ўстириб катта қилади, жиноят содир этсин, бировни қақшатсин, деб ният қилмайди...***

➪ 3-бет

## Матбуотимиз равнақи: ким қандай фикрда?

***Матбуотда танқид бўлиши керак. Фақат адолатли, холис, асосли бўлса, жамиятга ҳам, шахсга ҳам нафи тегади. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, муаммога танқидий ёндашаётган журналист унинг ортида аввало инсон тақдири турганлигини ҳис этмоғи шарт...***

➪ 4-бет

## «Иззат нима билдим, **шу-да бир яшаш!»**



***Ватан меҳрини дилларга жо этган, оламни «мушоира»га чорлаб, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо тимсолига айланган Зулфияхонимга гўзал пойтахтимизда у киши хотирасини ёд этиб ҳайкал ўрнатилганлиги шоиранинг фарзандлари, шогирдлари, жамики Ватандошларимиз қалбида ўчмас из қолдирди...***

➪ 8-бет

## Чоршанбадан **чоршанбагача**

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов шу йилнинг 10 март куни давлат ташрифи билан республикамизга келди. Дўрмон қароргоҳида Туркманистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг президентларнинг яккама-якка суҳбати бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон раҳбарининг мамлакатимизга ташрифи ўзаро муносабатларнинг суръат ва сифатини оширишга, ҳамкорликнинг янги қирраларини очишга хизмат қилишини таъкидлади.

Президентлар икки томонлама иқтисодий ҳамкорликка оид кўрсаткичлар мамлакатларимизнинг имконият ва салоҳиятига мос эмаслигини таъкидладилар. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар сони Ўзбекистонни ҳам, Туркманистонни ҳам қониқтирмайди. Мамлакатларимиз ишбилармонлари мазкур соҳаларда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, сув-энергетика мажмуи, савдо-сотиқ каби кўплаб йўналишларда икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантириши мумкин.

Гурбангули Бердимуҳамедовга Тошкент тиббиёт академиясининг Фахрий доктори унвони берилди.

Туркманистон раҳбари юртимизнинг диққатга сазовор жойларида бўлди, Самарқанд шаҳридаги қадимий обидаларни зиёрат қилди.

Кеча Турманистон раҳбари Ашхободга жўнаб кетди.

* * *

Шу йил 6 март куни Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Сўнгги йилларда вилоятда эришилаётган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган жиддий камчиликлар ҳам қайд этилди. Абдуҳошим Абдуллаев Фарғона вилоят ҳокими вазифасидан озод қилиниб, сессияда Маматисоқ Ғафуров вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

* * *

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган иқтидорли қизларга мукофотлар топширилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 1 мартдаги фармойишига мувофиқ, март-май ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари деб эълон қилинди. 15-16 март кунлари эса умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

КЎРИК

## «Олтин қалам»: танлов қизғин паллага кирмоқда

**Миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимларини янада кенг рағбатлантириш, журналистлар ижодий фаолиятига янгича ёндашувни шакллантириш мақсадида таъсис этилган «Олтин қалам» миллий мукофотининг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Буни танловда иштирок этаётган ижодкорлар миқдори кўпаяётгани ва шунга мувофиқ равишда тақдим этилаётган ижодий ишларнинг савияси ҳам ўсиб бораётгани тасдиқлаб турибди.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда анъанавий суръатда ўтказиб келинаётган танловда ҳар йили янги-янги ижодкорлар кашф этилмоқда, журналистика соҳасидаги энг илғор ютуқлар рағбатлантирилмоқда. Халқаро мақомдаги танлов мамлакатимиз ва хорижлик журналистларни янада жўшқин ижодий фаолиятга ундамоқда.

Айни пайтда «Олтин қалам» III миллий мукофоти танлови учун ижодий ишларни қабул қилиш давом этаяпти. Маълумотларга кўра, танлов ҳайъатига ҳозирга қадар 100 дан ошиқ журналистнинг 1000 га яқин ижодий ишлари келиб тушди. Мамлакатимиз ва хорижлик ҳамкасблар танлов шартларидан келиб чиқиб турли мавзудаги энг яхши асарларини тақдим этмоқдалар. Шу кунларда нуфузли мукофот учун ижодий ишларни қабул қилиш қизғин паллага кирди.

Мазкур мукофот унинг соҳиби бўлган ҳар бир журналист учун ўзига хос рағбат бўлмоқда. Буни «Олтин қалам» танловининг олдинги йилларидаги ғолиблари ҳам эътироф этмоқдалар.

**Иброҳим Норматов, «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигининг сиёсий шарҳловчиси, I миллий мукофотнинг «Энг яхши журналистик материал» (матбуот) номинацияси бўйича совриндори:**

— Ушбу танлов кўп йиллик ижодий фаолиятимда эсдан чиқмайдиган ҳодиса бўлди. Берилган мукофот мени беқиёс даражада руҳлантириб юборди. Матбуотда эълон қилинган долзарб мавзудаги таҳлилий мақолаларим учун берилган мукофотни рағбат сифатида қабул қилдим. Бундан қалбимда фахр ва ифтихор туйғулари уйғонди. Кўрсатилган эътибор каминани ижодий изланишларни кенгайтириш, мулоҳазали, мушоҳадали, хусусан, ёш ижодкорларга ибрат бўладиган мақолалар ёзишга ундамоқда. Истагим, нуфузли танловда журналистларнинг маҳорати билан бирга материаллар жанри, мавзусига ҳам алоҳида аҳамият қаратилса. Танловда иштирок этаётган ҳамкасбларга муваффақият ва омад тилайман.

**Лайло Русатамова, Uzreport.com Интернет портали мухбири, II миллий мукофотнинг энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика) номинацияси совриндори:**

— Халқаро миқёсда ўтказилаётган мазкур мукофотни олган кунимни ҳеч қачон унутмасам керак. Чунки нуфузи жуда ҳам баланд бўлган мукофотга 23 ёшимда мушарраф бўлдим. Бу ҳам мамлакатимизда ёшларга берилаётган юксак эътибор, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш йўлида кўрилаётган изчил чора-тадбирлар ифодаси дейиш мумкин.

Халқаро танловда камтаргина фаолиятимга берилган юксак баҳо мени янги-янги ижодий парвозларга чорлади. Айни пайтда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва бошқа иқтисодий мавзуларни чуқур ёритиш, Интернет журналистика имкониятларидан самарали фойдаланиш йўлида ижодий изланишларни давом эттирмоқдаман. Бу йил ҳам танловнинг барча йўналишлари, хусусан, Интернет-журналистика соҳасида ҳам энг сара ва энг яхши асарлар эътироф этилишига ишонаман.

**Ислом СУЛТОНОВ**

## *Ватан қутлуғ*

СУРУР

*Бойчечакни бўғиб қўйди чилла маҳри,*
*Қуёш кулиб, қаҳратоннинг қочди заҳри,*
*Унгурларда эриб оқди қишнинг қаҳри*
*Илҳақ бўлиб соғинганим баҳор қутлуғ,*
*Ҳарир кўйлак кийиб қолган нигор қутлуғ!*

*Энди тонглар хумор-хумор уйғонади,*
*Дала қирлар гул-гиёҳга чулғонади,*
*Қизғалдоқлар қиздай бўлиб тўлғонади*
*Элим, бахтга йўғрилган ризқ-рўзинг қутлуғ.*
*Гулга муштоқ бўлган қора кўзинг қутлуғ!*

*Тўйболалар улғаяди уйимизда,*
*Озод Ватан талъати бор куйимизда*
*Чучмомалар меҳмон бўлар тўйимизда*
*Ҳуш насимлар ардоғида сўзинг қутлуғ,*
*Қучоғингда эрка ўғил-қизинг қутлуғ!*

*Чавандозлар кўпкарига от солади,*
*Қалдирғочлар чоппар уриб жўр олади,*
*Бахшиларнинг дўмбираси қўр олади*
*Қалдирғочлар макон қурган уйинг қутлуғ,*
*Парвозларга қанот бўлган бўйинг қутлуғ!*
*Меҳри олам қудрати жам кафтимизда,*
*Қаҳратон ҳам тоб беролмас тафтимизга,*
*Алломалар дуо берган жаҳдимизга*
*Қушчаларнинг сайроғида чаман қутлуғ,*
*Истиқлолнинг байроғида Ватан қутлуғ!*

***Исматулло ЙЎЛДОШЕВ***

АКС-САДО

## Изланиш ва ўрганиш керак

**"Агар маҳоратингиз ошмас экан..." мақоласини ўқиб... ("Ҳуррият". 2008 йил 20 февраль 8-сон)**

Биз журналистлар бирон касб эгаси ҳақида ёзган мақолаларимизда уни "ўз касбининг устаси" деб таърифлаймиз. Лекин ўзимизга ҳеч қачон "мен-чи, ўз касбимнинг устасиманми?" деб савол бермаймиз. Чунки эндигина шу соҳада қаламини синаб кўраётганлардан тортиб, журналистикада суяги қотган қаламкашгача ўзини маҳоратсиз санамайди. Улардан бири истеъдодим бор учун қўлимга қалам олдим деса, иккинчиси маҳоратим бўлмаса шунча йил журналистиканинг нонини еб юрармидим, деб ҳисоблайди. Тўғри, аксарият ҳолларда шундайдир, лекин ҳамма ҳам эмасда! Маҳоратсизлик маҳоратни босиб ўтаётган ҳоллар кўп учрайди. Назаримда ўқувчи маҳоратни маҳоратсизлик "кўйлаги"да кўраверіб кўникиб қолди. Бу кўникиш ортида эса маҳоратнинг ўлчови бузилганлигини кўриш мумкин.

*(Давоми 4-бетда.)*

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА**

## "Олтин қалам"

**III МИЛЛИЙ МУКОФОТИ**

*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндошувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" халқаро танловини ўтказади.*

*Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказиладиган бу танловга 2007 йилнинг 31 мартидан 2008 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2008 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.*

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот**. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1 -, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1 -, 2-, 3- ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

*(Давоми 2-бетда.)*

МУАММО, МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА

# ҲАМ ТАҲДИД, ҲАМ ТАҲҚИР

**2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши барча юртдошларимиздан ўсиб келаётган авлод тарбиясига янада масъулият ҳисси билан ёндашишни, фақат, уларнинг кўнглида бебаҳо бойлигимиз — асрлар давомида шаклланган, миллатимизнинг миллат сифатида яшаб келишига пойдевор бўлган маънавий-ахлоқий қадриятларга ҳурмат ва эҳтиром туйғусини қарор топтиришга алоҳида эътибор беришни талаб қилади.**

Зеро, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунлари ва 2008 йилнинг истиқбол режаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек **"Биз фарзандларимизни табиатимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим."**

Биз Юртбошимизнинг ушбу фикрларидан келиб чиққан ҳолда бугунги айрим йигит-қизларнинг маънавий қиёфасини белгилайдиган, айни пайтда ахлоқий қадриятларимизга таҳдид соладиган хатарлардан бири — дискотекалар ёки "тунги клублар"нинг моҳияти ва жамиятимиз ҳаётига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсири ҳақидаги мулоҳазаларни газетхонлар билан ўртоқлашишни лозим деб билдик.

* * *

Қалам аҳли ёшларга нисбатан "озод Ватаннинг озод фарзандлари", деган иборани ишлатишни хуш кўради. Чунки, мустақиллик йилларида чиндан ҳам онги, шуури, тақдири турли хил мафкуравий тазйиқлардан холи, миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда замон ва маконда ўзлигини топишга, иқтидори, истеъдоди ва салоҳиятини тўла-тўкис намоён қилиб, ўзбек йигит-қизларининг жаҳонда хеч кимдан кам эмас, балки кўпгина фазилатларда устун эканлигини исботлашга қодир авлод дунёга келди.

Чунки мамлакатимизда кейинги йилларда ёшларнинг ҳар томонлама мустақил, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан эркин яшашлари, билим олишлари, касб-ҳунар ва мутахассисликларни эгаллашлари учун кўплаб шарт-шароитлар яратилди ва яратилмоқда. Аммо, ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, инсоний эркинлик ҳали тўлиқ маънодаги бахт эмас балки бахт-саодатга эришишнинг бир воситаси экан, холос.

Буни қалбан ҳис этган минг-минглаб ёшлар мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, олий таълим муассасаларида билим асосларини, замонавий фан- ютуқларини, ахборот технологияларни қунт билан ўрганиб, тарихи теран, келажаги буюк Ўзбекистонга муносиб фарзанд, келгусида элнинг юкига елкасини тутадиган комил инсон бўлиб етишишга интилаяпти.

*(Давоми 6-бетда.)*

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

**ҚИСҚА САТРЛАРДА**

## Бугуннинг **нафаси**

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2008» кўрик-танловининг вилоят босқичлари бирин-кетин якунланмоқда. Хоразм, Наманган, Жиззах, Навоий, Бухоро, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида танлов ғолиблари аниқланиб, республика босқичига йўлланма олишди.

✓ Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари орасида ўтказиб келинаётган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг 2008 йилги республика босқичи Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтади. Ҳозирда асосий тадбирлар ўтказиладиган Нукусдаги «Турон» стадионида реконструкция ишлари якунига етмоқда. Бошқа спорт саройлари, заллар ва майдонлари меҳмонларни кутиб олишга шай ҳолатга келтирилган.

✓ Термизда «Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамжиҳатлиги кунлари» бўлиб ўтди. Қадим маданиятга эга бўлган бу икки мамлакат бир-биридан узоқ жуғрофий ҳудудда жойлашган бўлса-да, санъати орасида муштараклик мавжуд. Маданият кунлари иштирокчилари бунга яна бир бор амин бўлишди.

✓ Жиззах шаҳрининг маданий марказларидан бири бўлган «Ўрда» мажмуига ёшлар экологик боғи мақоми берилди. Чор Россияси томонидан вайрон қилинган ўрда кейинчалик тупроқ тепаликларга айланиб қолади, сўнгра боққа айлантирилган. Мустақиллик йилларида бу ерда ободончилик ишлари олиб борилди. Жорий йилда боғдаги мавжуд дарахтлар ҳам сақланиб қолинган ҳолда, қўшимча 20 хил ниҳол ва 100 минг тупга яқин гул кўчати экилиши режалаштирилган.

✓ Урганчнинг барча маҳаллаларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имкони яратилди. Вилоят марказида 36 километр узунликда янги сув қувурлари ётқизилди. Бир суткада 100 минг кубометр сувни тозалаш қувватига эга иншоот ишга тушди. Шунингдек, вилоятнинг бошқа туманларида ҳам аҳолини сув билан таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

✓ Ҳозирги кунда Фарғона вилоятида 288 минг донадан зиёд пластик карточка савдо-сотиқ ишларида фойдаланилмоқда. Қува туманида "Матлуботсавдо" акциядорлик жамиятига қарашли савдо шохобчаларида пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда тизимнинг афзалликлари, ўрнатилган терминалларнинг иш фаолияти атрофлича таҳлил этилди.

✓ Қумқўрғон туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалигида сутни қайта ишлайдиган замонавий корхона ишга тушди. Бу ерда ҳар куни ярим тоннадан ортиқ сутдан олти турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

**ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА**

## "Олтин қалам"

### III МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

*(Бошланиши 1-бетда.)*

**Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:**

- журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
- фаол фуқаролик позицияси учун;
- ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- "Ёшлар йили"га бағишланган энг яхши материал учун;
- маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
- ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
- энг яхши журналистик текширув учун;
- мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
- энг яхши режиссёрлик иши учун;
- йилнинг энг яхши дебюти учун;
- энг яхши фоторепортаж учун;
- энг яхши карикатура учун;
- чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

- муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

*Танлов ғолибларини мукофотлаш 2008 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни тантанали равишда ўтказилади.*

*Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.*

*Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:*

**Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
**3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси**
**Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87; Факс: 244-69-65**
**E-mail: ijod@ sarkor.uz www.journalist.uz**

## «Янги йўналишда изланаяпман»

**ҲАВО ТЎЛҚИНЛАРИДА**

**Суҳбатдошимиз: «Yoshlar» телерадиоканали бошловчиси Ваҳобиддин Зиё.**

*— Суҳбатни фаолиятингизнинг илк даврларидан бошласак...*

— Болалигимда дадамга дўстлари совға қилган жуда катта радиомиз бўларди. Ўша пайтлар кўплаб радиоканалларни эшитиб борардим ва шунинг таъсирида сухандон бўлиш орзуси пайдо бўлган. Радио мен учун кашф этилмаган сирли бир мўъжиза бўлган. Кейинчалик шу мўъжизани билишга бўлган иштиёқ мени радиожурналистикага бошлаб келган. Шу билан бирга санъат дунёси ҳам мендан йироқ эмас. Болалигимдан мактабда ўтказиладиган «Санъат ғунчалари» ва бошқа бир неча танловларда қатнашиб юрардим. Талабалик пайтларим ҳам «Шоввозлар» гуруҳи аъзоси бўлганман. Бугунги кунда эса ўзимни профессионал даражадаги хонанда деб ҳисобламасам-да, ҳар ҳолда қўшиқчиликда ҳам ўз ўрнимни топиш ҳаракатидаман. Албатта, бу катта куч, катта меҳнат ва ўз навбатида қўллаб-қувватлашларни талаб қилади. Яна бир мақсадим, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар иштирокида ўзбек фольклор кечасини уюштирмоқчиман. Унда хорижлик меҳмонлар ўзбек фольклори ҳақида тўлароқ тушунчага эга бўлишлари билан бирга, бу тадбир ҳамюртларимиз учун ҳам қизиқарли бўлади, назаримда.

*— Сиз радиобошловчи эдингиз. Негадир охирги пайтларда радио ҳаётидан узоқлашиб қолаётгандайсиз. Бугун санъаткорлар кўп, сиз ҳам шу йўлдан кетсангиз, бошловчилик фаолиятингизнинг келажаги нима бўлади?*

— Мени радиобошловчи сифатида, ишониб айтаманки, аъзаддий мухлисларим қайси пайтда нафас олиб, қайси сўзни қай пайтда ишлатишим, ҳатто қайси нуқтада жилмайишимгача ёддан билишади. Санъатда эса ҳали ҳатто ўзим ҳам тўла англаб етмаган қирраларим очилиб бораяпти. Аммо айтишим керакки, санъат соҳасидаги фаолиятимни радиобошловчилик билан бир маромда олиб бормоқчиман. Мухлисларим радиоэшиттиришлар орқали мени ғойибона танишган бўлса, энди улар билан саҳнада юзма-юз дийдор кўришиш истагим бор. Мен бу борада ҳам ўзимни, ўзлигимни топиб боряпман ва мухлисларим учун ҳам янгиликларни туҳфа эта оламан деб ўйлайман. Лекин юқорида ҳам айтдим, мен профессионалликка даъвогарлик қилмайман. Чунки санъат соҳасидаги ўқув юрти ёки бирор бир махсус курсда ҳам таҳсил олмаганман. Ўзимдаги бор имкониятлардан келиб чиққан ҳолда кўнгилга яқин қўшиқлар куйламоқчиман, холос. Наврўз байрами арафасида мухлисларга янги қўшиқлар тўпламимни тақдим қиламан. Шундан сўнг уларнинг қабул қилиш даражасига қараб ҳаракатим давом этади.

*— Тингловчилар сизни тунги эфир вақти сўнггида «Ўзингизни эҳтиёт қилинг» деган мазмундаги гапларингиз учун ҳам қайсидир маънода яхши кўриб қолишган. Лекин кейинги пайтларда кундузги, жиддийроқ эшиттиришларни олиб бораётганингиз олдинги даражангизга таъсир ўтказяпти, шекилли.*

— Фикримча, инсон янгиланиб яшаши керак. Кундузги эфир пайтида энди сокин суҳбатдош эмас, қизиққонроқ, жиддийроқ, мулоҳазакор радиобошловчи кўринишида намоён бўлишим керак. Раҳбарият олдимга шу вазифани қўйганда, даставвал, иккиландим. Тўғри, мени ўта романтик бошловчи сифатида билишади. Ҳозир эса, ҳақиқатан ҳам реалликка қараб боряпман. Кундузги эфирнинг ҳам ўзига хос жозибаси бор. Бунда мақсад, ҳаракат, йўналиш ва меҳнат талаб этилади. Энг муҳими эса ҳозир ҳам тингловчиларим мени эшитишаяпти. Олдин кўпроқ лирикага мойил ёшлар тинглашган бўлса, айни пайтда эса тадбиркорлар, ишбилармонлар, деҳқон-фермерлар орасида ҳам мухлисларим бор. «Ҳуқуқшунос жавоб беради», «Руҳшунос билан суҳбат» каби эшиттиришларни олиб бориш жараёнида тингловчиларнинг қўнғироқлари, муносабатлари орқали уларнинг турли қатлам вакиллари экanлигини билиш мен учун янада кенгроқ ижодий муваффақиятлар эшигини очяпти.

**Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ суҳбатлашди.**

**МУНОСАБАТ**

## Элга ҳам, ерга ҳам **муҳаббат лозим**

**Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов шу йилнинг 6 март куни халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида, айниқса, вилоят ва туман етакчилари қандай хусусиятларга эга бўлишлари лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтдилар.**

Дарҳақиқат, жуда кўп нарса етакчи шахснинг бошқариш маҳоратига, билими ва шижоатига боғлиқ. У эл билан ҳам, ер билан ҳам тиллаша олмоғи лозим. Ўзи бошқараётган ҳудуднинг шарт-шароитини, унинг барча жиҳатларини ва мавжуд муаммоларни беш қўлдай билмоғи зарур. Акс ҳолда, ислоҳотлар суст кечади, вақтдан бой берилади. Давр талабларига хос вазифалар ечими қийинлашади.

Биз деҳқон одамлармиз. Буюк неъматларимиз бош омили бўлган она ернинг тақдири учун ҳамиша жавобгармиз. Ерга ҳам инсоний меҳр-муҳаббат ва олижаноб муносабат лозим. Ернинг дардини ва соғлом ҳолатини, қандай нафас олишини, қачон ва нималар билан озиқланиши кераклигини билмас эканмиз, уни қўлдан бой бериб қўямиз.

Илгарилари алмашлаб экиш, деган нарса бўларди. Эндиги тирбандлик шароитида, уни тўғри ва кучайтирилган режимда озиқлантириб бориш талаб қилинади. Афсуски, бу жиҳатларга эътиборни сусайтириб қўйдик. Сессия ишида таъкидланганидек, вилоятимизда суғориладиган майдонларнинг ўртача ер бонитети кескин камайиб бормоқда. Тошлоқ туманида бу кўрсаткич 15-16 фоизни ташкил этиб турибди. Демак, экин майдонларимизга муносабат тобора ташвишли ҳолга тушиб бормоқда.

Пахтачилик масаласига келганда, тупроқ ва иқлим шароитимизга мос тушадиган, серҳосил, эртапишар ва сифатли тола олинадиган чигит навларига эга бўлишимиз лозим. Ҳалиҳануз юқоридан туриб кўрсатма берувчи, жойларга чиқиб бевосита омилкор деҳқонлар билан диллашиш ўрнига буйруқбозлик қилувчи раҳбарлар ҳам йўқ эмас.

Биргина менинг фермер хўжалигимни мисол олгудек бўлсак, бундан беш-ўн йил олдин чўл шароитида гектарига 40 центнердан ошириб пахта ҳосили кўтарганмиз. Энди-чи! Ҳосилдорлик йил сайин пасайиб бормоқда. Шунинг ўзиёқ юқоридаги фикрларнинг нечоғли тўғрилигидан далолат бериб турибди.

**Комилжон МАМАЖОНОВ,**
**фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати.**

**ҚАДРИЯТ**

## Адирларда **чавандоз ҳайқириғи**

**Миллий қадриятларимиз замирида яширинган синоатларга, йиллар оша сайқалланиб борган ўзлигимиз жилоларига баъзан ўзимиз ҳам етарлича эътибор беравермаймиз. Улар доимо бўлгандай ва бўлиши табиийдай туюлади. Аслида кундалик ҳаётимизда бугун юз бераётган, кўзимиз ўрганиб қолган воқеаларнинг қарор топиши, тикланиши, ўзига йўл очиши осон бўлмади-ку.**

Улоқ ўзимизда...

Яқинда Сирдарё вилоятига қарашли туманлардан бирида кўпкари бўлаётганидан хабар топдик ва уни томоша қилиш истаги туғилди. Ҳозир бу миллий спорт мусобақаси республикамизнинг деярли барча минтақаларида кунда-кунора бўлаётир.

Кўпкари хабарини эшитган чавандозлар бир кун аввал мезбон хўжалик — «Соҳил» фермерлар уюшмасига қўноқ бўлиб кела бошлаган. Қишлоқдагилар чавандозларга бажонидил уйларидан жой бердилар. Тўй эгаси бўлган меҳнат фахрийси Ихлос ота бола-чақалари ва қариндош-уруғи билан қўноқлардан хабар олдилар, отларга емиш, меҳмонларга меҳр-оқибат кўрсатилаётганини бир карра кўриб чиқдилар. Хонадонлардаги қўноқларга тўйхонадан таом ҳам жўнатилди. Қўноқлар қўнган жойларда отлар ва чавандозлар ҳақида баҳс-мунозара қизигандан-қизиди. Қўшни вилоят ва мамлакатлардаги катта кўпкарилар ва унда қатнашган чавандозлар ҳақидаги янгиликлар умумлаштирилди. Отларга ва чавандозларга баҳо берилди. Набирасига ақиқа тўй қилаётган отанинг хонадонида эрталаб элга ихчамгина ош берилди. Отанинг кампири Мопар она эрта тонг билан бир ёшга тўлган набирасини тўйга келган элнинг улуғлари ҳузурига олиб чиқди. Мирзачўлни ўзлаштиришга биринчилардан бўлиб келган чўлқувар, ёши 82 дан ошган Норбек отага қайчи ушлатди. Ота узундан-узун дуо қилиб, унинг сочига қайчи урди. Қариндош-уруғлар чақалоққа тўёна бердилар. Кексалар кўпкарининг бешикаст, тинч-омон ўтишини тилаб дуо қилдилар. Полвонлар улоқни олиб, кўпкари бўладиган майдонга от солиб кетдилар.

Мусоқаба ўтказиладиган майдонга етиб борганимизда, ёш чавандозлар ўз тойларини миниб, майдоннинг икки томонига қўйилган марралар узра от чоптирар, бир-бирлари билан кичикроқ бир улоқни ўзаро тортишар эдилар. Усти брезент билан ёпилган КамАЗ автомашиналари майдонга бирин-кетин етиб кела бошлади. Уларнинг ҳар биридан отлар туширилар ва полвонларга топширилар эди.

Трактор тиркамаларидан иккитасини бирлаштириб, ҳакамлар ва нуфузли меҳмонлар учун жой ҳозирланди, овоз кучайтиргич ўрнатилди, шу билан тайёргарлик тугади. Майдондаги ҳакам полвонларни — чопадиганларни ҳам, чопмайдиганларни ҳам минбар олдига чорлади. Сўнгра кўпкари тартиби, полвонларга қўйилган талаблар эълон қилинди. Мукофот — солим улар кимлар томонидан қўйилаётгани ҳам овоз кучайтиргич орқали элга эълон қилинди. Отанинг яқинлари қаторида майдонга тўпланган чавандозлар ўртасидан ҳам ўнга яқинлари минбарга келишиб, ўз солимларини — мукофотларини қўйдилар.

Майин ёғаётган қор, майдонга тинмай оқиб келаётган каттаю кичик ишқибозлар кўпкарининг қизиқарли бўлишидан дарак берар эди. Маҳалла оқсоқоли Эсонбой Умрзоқов томошабинларни хавфсизроқ жойга чорлайди, той минган ёш-яланғларни эҳтиёт бўлишга чақиради. Меҳмонлар — чавандозлар овоз кучайтиргич орқали эълон қилиб турилибди. Улар сафида қўшни Қозоғистон, Тожикистон ва қатор вилоятлардан келган чавандозлар ҳам борлиги маълум бўлди. Кексалар кўпкарини бошлашга дуои фотиҳа бердилар. Шу қишлоқ полвони Сапий чавандоз улоқни олиб «Малик» фермерлар уюшмасидан келган 85 ёшли меҳнат фахрийси, кекса чавандоз Аҳад полвонга тутқазди. Отида омонатдай ўтирган кекса чавандознинг қўлига олтмиш килограммдан кам бўлмаган улоқ теккач, кекса полвон от устида бирров мувозанатини йўқотгандай бўлди-ю, лекин унга жиловдор бўлиб келаётган Сапий полвоннинг ғайрати отага далда бўлдими, ишқилиб, унинг оти тўдани чақмоқдек ёриб чиқиб кетди. Фахрий чавандозга бир-икки полвонлар от қўшган бўлишди, лекин у билан улоқни талашиб юрмадилар. У улоқни ҳалол қилиб маррага етказиб ташлади, майдон узра олқишлар, қарсаклар янгради. «Офарин, полвон бобо!» деган сўзлар қулоққа баралла чалиниб турди. Майдонда от суриб тартиб ўрнатиб юрган ҳакам-чавандоз ғолибнинг қўлига солим паттасини берди. Ота мукофотни қўлига олди-ю, шу заҳоти уни солим қилиб тикиб юборди.

— Баландчақирлик Абдулла ҳожининг оти Жиззахда ўтган кўпкарида 4 марта ташлади, Мурод ҳожининг оти 3 марта ташлади, ана ўша отлар тўдани яна ёриб чиқяпти, — дерди минбардаги ишқибоз кексалар майдонга ишора қилишиб.

— Бориб оласан солим, келиб оласан солим, Ихлос отанинг солими кўп, ошна-оғайниларининг атагани мўл, — дея эълон қиларди маҳалла оқсоқоли овоз кучайтиргич орқали. Тиркамалар устидаги ўриндиқлардан жой олган кексаю ёш майдонда бўлаётган полвонлар тортишувига завқ билан тикилишар, даврадан узилиб чиқиб кетган отлар, чавандозлар ҳақида турли-туман баҳс-мунозара юритар эдилар. Ҳис-ҳаяжонини жиловлай олмаган баъзи ишқибозлар эса овозларини баралла қўйиб полвонларга нималарнидир айтишар, лекин уларнинг овозларини ҳеч ким эшитмас, очиғи, эшитишга фурсатлари ҳам йўқ эди. Уч юзга яқин тулпор билан майдонга от солаётган полвонлардан ва отлардан кўтарилаётган буғ майдон тепасида булут ҳосил қилганди.

Кўпкари эса қизигандан-қизиди. Номдор полвонлар 2-3 мартадан маррани забт этдилар, баъзилари эса ўзларига насиб қилган солим-мукофотни кексалар ва той миниб майдонни айланиб юрган ёш полвонлар билан баҳам кўрардилар. Бу ҳам кўпкарининг соф миллийлигини, удумларимизнинг ўта халқчиллигини ва анъаналаримизнинг давомийлигини ҳамда меросийлик асосига қурилганини кўрсатадиган қирралари эди. Майдон фақат мардники ва адолатли курашадиганники, бунда олижаноблар от суриши мумкинлигини унга қатнашаётганлар бутун вужудлари билан сезиб турар эдилар.

Кўпкарида майдонга чиққан полвонлар от спортида кўзга кўринавермайдилар, десак ишонаверинг. Кўпкарини от спорти десак, унинг мазмун-моҳияти чекланиб қолгандек бўлади. Кўпкарига эътибор берилган жойларда у ривож топиб бораётир, албатта. Масалан, Жиззах вилоятида от спорти ва кўпкари учун махсус майдон қурилган. Аслида ёшларни от спортига қизиқтириш зарур. От спорти федерациялари жойларда ўтказилаётган оммавий кўпкарилар ташкилотчилари билан яқинлашишлари керак. Биз қатнашаётган кўпкари эгалари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларидан от спорти федерацияси ҳақида сўраганимизда, улар бу ҳақда билмасликларини айтишди. Қишлоқларимизда кўпкарилар баъзан маҳаллий ҳокимиятлар масъуллигида, кўпинча эса умуман бетартиб давом этаётир. Полвонлар ўртасида арзимаган масалаларда баъзан тарафкашликлар бўлиб туришини кўпкарининг доимий ишқибозлари гапириб бердилар.

Кўпкари охирлай бошлаганда, Сайхунобод туманида яна бир ҳафтадан кейин бўладиган тўй эгаси улоқ беришга кексалардан фотиҳа олиш учун минбарга келди. Ўтаётган тўйга атаб солим тикди. Демак, кўпкари давом этади. Миллий қадриятларимиз яшовчан ва абадийдир.

**Иброҳим ҚУВОНДИКОВ,**
**Сирдарё—Тошкент**

# ЖАРАЁН

ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА

## Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури

Ҳа, шундай. Зеро, ёшлар — мамлакат таянчи, келажак — уларники. Шу боис уларни эртанги кун эгалари, келажак бунёдкорлари дейишади. Мана шундай ёшларни Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат йўналишига ихтисослаштирилган мактаб-интернатда кўплаб учратиш мумкин.

— Билим масканимизда асосан адабиёт, сухандонлик, тасвирий санъат, тарих, мусиқа ҳамда инглиз тили сингари олти йўналишда таълим-тарбия олиб борилади, — дейди мактаб-интернат директори Собир Мамадалиев. — Ўқувчиларнинг мукаммал билим олишлари, бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, иқтидор қирраларини аниқлаш, улар фаолиятини янада юксалтириш ишларига катта эътибор бериб келинмоқда.

Айни дамда мазкур илм даргоҳида 103 нафар педагог ва тарбиячилар фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 20 фоизини ёш, интилувчан ходимлар ташкил этади. Мактаб-интернатда таълим олаётган 1320 нафар ўқувчининг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш, уларнинг турли соҳа ва фанларга қизиқишларини орттириш мақсадида 39 та тўгарак иш юритиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда халқаро алоқаларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2007 йилнинг октябрь ойидан бошлаб, "JICA" Япония кўнгиллиларининг халқаро ташкилоти билан ҳам амалий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Унга кўра, япон тили ва адабиёти тўгараги иш бошлади. Эндиликда 3 та тўгарак гуруҳида Такасаки Мана хоним машғулотлар олиб бормоқда.

*Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Юлдуз Файзий.*

— Ҳозир чексиз ҳаяжондаман, — дейди адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Юлдуз. — Пойтахтимизнинг муҳташам Туркистон саройида 8 март байрамига бағишланган тантанали йиғилишда иштирок этдим. Айниқса, мамлакатимиз Президентининг байрам табригини алоҳида эътибор билан тингладим. Мамлакатимизда ёшларнинг ўз қобилиятларини ҳар томонлама намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратилганлигидан мамнунман. Бундай эътибор, ишончга ўз навбатида биз аъло ўқишимиз ҳамда келажакда Ватан корига яраш, унинг равнақига муносиб ҳисса қўшиш билан жавоб бермоғимиз лозим. Шунингдек, мен бу мукофотни нафақат менга, балки таълим-тарбия бераётган устозларим ҳамда мунис онам меҳнатлари эвазига берилган юксак баҳо деб биламан.

Дарвоқе, Юлдуз «Фонд-форум» томонидан ўтказиб келинаётган «Келажак овози» танловининг ҳам грант соҳибасидир.

Юртимизда ана шундай иқтидорли, илмга чанқоқ ёшлар бор экан, эл юкси ерда қолмайди. Аждодлардан мерос қадриятлар, ноёб дурдоналар айнан мана шу ёшларнинг саъй-ҳаракатлари, интилишлари боис, келажак авлодларга ҳам ноёб ҳазина сифатида тухфа этилиши шубҳасиз.

**Наргиза ПИРНАЗАРОВА,**
**«Ҳуррият» мухбири.**



*Иқтидорли ўқувчи — Ҳусниддин Шаҳобиддинов*

Қолаверса, Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази томонидан Тошкент шаҳар миқёсида ўтказилган «Менинг Ватаним», «Менинг оилам», «Менинг дўстларим» мавзуларидаги расмлар танловида ҳам мактаб-интернат ўқувчилари фахрли ўринларни эгалладилар.

— Етти ёшимдан буён расм чизаман, — дейди танлов ғолиби Ҳусниддин Шаҳобиддинов. — Аввал бошда ўзим туғилиб ўсган Жиззах шаҳридаги маданият саройида расм чизиш билан шуғулланган бўлсам, кейинчалик ушбу Нафис санъат мактаб-интернатнинг тасвирий санъат тўгарагида ишларим анча такомиллашди.

2008 йилнинг баҳори мактаб-интернат ўқитувчи ва тарбиячилар жамоаси ҳамда ўқувчилари учун анча қувончли келди. Боиси, билим даргоҳининг иқтидорли ўқувчиларидан бири Юлдуз Файзий Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлди.

## Коллежда ахборот-ресурс маркази

Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида бугунги кунда 1200 нафар талаба таҳсил олмоқда. Таълим муассасасида талабаларнинг касб-ҳунар сир-асрорларини ўзлаштиришлари билан бирга пухта билим олишлари, маънавий-маърифий дунёқарашларини бойитишлари учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, таълим жараёнларига янги педагогик технологияларнинг кенг жорий этилаётганлиги ижобий самара бераётир. Яқиндан бошлаб коллежда ахборот-ресурс маркази фаолиятининг йўлга қўйилиши талабаларга универсал ахборот манбаларидан фойдаланишлари учун янги имкониятлар яратди. Таъкидлаш жоизки, вилоят ўрта махсус таълим бошқармаси тасарруфидаги барча ўқув муассасаларида ахборот-ресурс марказларининг ташкил этилиши нафақат талаба ёшларнинг, балки аҳолининг турли қатламини илғор технологиялар асосида ўз билим ва тафаккурларини бойитишлари, уларнинг жаҳон илмий ахборот ресурсларидан фойдаланишлари учун қулайлик яратиб бермоқда. Айни кунда бундай марказлар босқичма-босқич замонавий компьютер техникалари ва дастурий воситалар билан таъминланиб, улар фаолияти тобора такомиллаштирилмоқда.

**Шерали ҚОДИРОВ**

ЛУҚМА

## Йўналишда ўзгариш бўлармикин?..

Бугунги ҳаётимизни транспортсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Албатта, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорти тармоғида жуда катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, эскирган, ўз муддатини ўтаган автобуслар ўрнига янги, замонавий "Мерседес", "Otoyol" ҳамда "Isuzu" русумидаги транспорт воситалари йўловчиларга хизмат қилмоқда. Бундан пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари жуда мамнун, албатта.

Бироқ "Тошшаҳартранссхизмат" уюшмасига қарашли 115, 19-йўналишидаги автобуслар 10-12 дақиқа оралиқ вақт ўрнига 20, баъзида эса 30 дақиқа оралиқда қатнамоқдалар. Айниқса, шу йўналишдаги автобуслар эрталаб соат 7.00 дан 9.30 га қадар "СамПИ" бекатидан "Бодомзор" бекатигача "қувлашмачоқ" ўйнашларини афсус билан айтиш жоиз. Бундан ташқари, улар "Мустақиллик" метро бекатидан "Алоқа" институти бекатигача бўлган масофада жуда секин юришлари йўловчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаяпти.

Яна бир гап. Яқинда "Алоқа" институти бекатида узоқ вақт автобус кутишга тўғри келди. Соат 21.00. Бекатда эса 20 нафарга яқин йўловчи 115, 19 ва 63-автобусларни умид билан, орзиқиб кутиб туришарди. Соат 21.35 да бекатга давлат рақами 10 АХ 063 бўлган 19-автобус келди. Ҳайдовчи олдинги ва ўрта эшикларни очди. Орқа эшик ёпиқлигича қолаверди. Бундан кейинги бекатларда йўловчиларни фақат олдинги эшикдан тушира бошлади. Йўловчилар "Ҳеч бўлмаса ўрта эшикни очиб юборсангиз яхши бўларди" дейишса, ҳайдовчи "Керак бўлса олдинги эшикка ўтинглар", деб қўпол муомала қилди.

Кейинги пайтларда ушбу йўналишда қатновчи автобусларни кеч 21.00 дан кейин учратиш амримаҳол бўлиб қолди. Айниқса, 115-автобус салонидаги сурункали тирбандликни алоҳида айтиб ўтиш лозим деб ўйлаймиз.

Узоққа бормайлик, Юнусобод даҳасига қатновчи 24, 51, 60, 67, 72, 93-йўналишдаги автобуслар ҳатто кеч соат 22.30 дан ўтганда ҳам йўловчиларга сифатли ва намунали хизмат кўрсатишларини таҳсинга лойиқ деб ўйлаймиз. Буни биз ҳар куни кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

"Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси раҳбарлари юқоридаги камчилик ҳамда муаммони бартараф этишса, йўловчиларнинг дуосига, олқишига сазовор бўлишарди.

**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**журналист.**

**Абдураєул ҲАКИМОВ чизган сурат.**

ҚОНУН — БАРЧАГА БАРОБАР

## Терговчининг «қайғу»си

**... Хонасига бирин-кетин шитоб билан кириб келган фуқаро кийимидаги кишилар Рустамнинг қўлидан маҳкам тутишган топда, у даб-дурустдан нима воқеа юз берганини ҳам тушуниб етмади. Бирданига юраги гупиллаб уриб, кўз олди қоронғулашиб кетди. Хизмат хонасига унинг рухсатисиз кирганлар ёнларидан гувоҳномаларини олиб кўрсатиб, ўзларини таништиргандан кейингина у тузатиб бўлмас мудҳиш хато қилиб қўйганини англади. Чунки пора олиш жинояти нима эканлиги, бунинг учун Жиноят кодексида қандай жазолар кўзда тутилганини бошқалар билмаган тақдирда ҳам, у — олий маълумотли ҳуқуқшунос, Бўстонлиқ туман ички ишлар бўлимининг катта терговчиси лавозимида савлат тўкиб ўтирган милиция майори Рустам Асланов яхши биларди. Билиш ҳам гапми, хизмат бурчига кўра, ана шундай жиноятлар содир этилишига қарши курашиши лозим эди...**

Терговчи Аслановнинг жиноий режасини остин-устун қилиб юборган бу оператив тадбир Миллий хавфсизлик хизматининг Тошкент вилояти бўйича бошқармасига фуқаро Қайрат Аҳмедовдан тушган аризада баён этилган тамагирлик жиноятига чек қўйиш бўйича вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режага биноан амалга оширилган эди. Бу вақтда эса ҳеч нимадан хабари йўқ терговчи Р. Асланов эрта-индин «лоп» этиб қўлига тушадиган мўмай пулни нимага сарфлашни ўйлаб, ширин хаёл сурарди...

Терговчи Р. Асланов юритаётган жиноят ишининг қисқача мазмуни қуйидагича эди. 2007 йилнинг 28 июль куни Бўстонлиқ туманида яшовчи 20 яшар Азамат Аҳмедов ўзидан ёшроқ Азиз, Марат, Азамат исмли ўртоқлари билан танишининг тўйига боради. Тўйда оғайнилар билан шу ерда юрган фуқаро Қайсар Раҳмонов ўртасида гап қочиб қолади ва улар Раҳмоновга тан жароҳати етказишади. А. Аҳмедов эса жабрланувчининг «Nokia» русумли уяли телефонини тортиб олади. Бўлган гап шу.

Бу воқеадан кейин Қ. Раҳмоновнинг аризаси асосида Бўстонлиқ туман ИИБ жиноят-қидирув бўлинмаси ходимлари томонидан суриштирув ишлари олиб борилган. Сўнгра терговчи Р.Асланов республика Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисмининг «а» банди бўйича 13-404-сонли жиноят иши қўзғатиб, тергов ҳаракатларини амалга оширган.

Ушбу ҳодиса тафсилотларию, айб кимда эканлиги, умуман, юз берган можаронинг ҳуқуқий томонларини қўя турайлик.

Нафсиламбрини айтганда, бу каби келишмовчиликлар қишлоқ, маҳалла-кўй, айниқса, қони қайноқ ёш-яланглар орасида вақти-вақти билан учраб туради. Бугун орасидан гап қочган ҳамқишлоқлар, таниш-билишлар эртаиндин тўй-тўйчиқларда гина-кудуратни унутиб, аввалгидек муроса қилиб кетган ҳолларни кўп кузатганмиз. Бу каби келишмовчиликлар аксарият ҳолларда жиноий жавобгарликка тортиш билан эмас, балки билиб-билмай етказилган зарарни қоплаш, узр сўраш, ярашув билан хайрли якун топиб кетиши ҳам сир эмас. Чунки тинч-тотув яшаш, бағрикенглик, кечиримлилик ўзбек халқига хос фазилатлардир. Шунинг учун мустақиллик йилларида халқимизнинг ана шу фазилатлари қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топди, низоларни бамаслаҳат, муроса, ярашув йўли билан ҳал этиш кенг қўлланила бошланди.

Жиноят ишини юритаётган терговчи Рустам Асланов ҳам буни яхши биларди. Шу сабаб у ҳузурига нажот сўраб келган Азаматнинг амакиси Қайрат Аҳмедовга айбдор жияни ўртоқлари билан биргаликда жабрланувчидан узр сўраб, етказилган моддий, маънавий зарарни қопласа, Қ. Раҳмонов даъвосидан кечиши мумкилигини айтди. Ана шундагина Азаматни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олмаган ҳолда унинг қилмишини нисбатан енгилроқ жазо кўзда тутилган 166-модданинг 1-қисми билан тавсифлаш имконини борлигини билдирди. Қанийди иш шу билан якун топганида! Афсус, орага ғаразли манфаат, нафс қўшилди. Юрт оқсоқоллари, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган ёши катта кишилар муросаси келишмаган ёшларни холисона яраштириб, савоб олиб келишган бўлса, Асланов нопок йўл — тамагирликни танлади.

Бунинг эвазига Қайратдан 1000 АҚШ доллари келтириб беришни талаб қилди. Терговчи оғзининг бир четидан чиқиб кетган бу миқдор пулни топиб келтириш қишлоқ шароитида кун кечириб юрган кишилар учун осон эмасди. Бунга Қайратнинг ҳам кўзи етди, шундай бўлса ҳам муросага келиб турган терговчининг жаҳлини чиқаришни хоҳламай, ўйлаб кўришини айтганча чиқиб кетди. Қайрат ўша куниёқ жиноят иши бўйича айбдор сифатида ўтаётган жияни билан бирга унинг ўртоқлари, ота-оналари билан учрашиб, терговчи билан бўлиб ўтган суҳбатни тушунтирди. Шўрлик ота-оналар баҳоли қудрат йиққантерган жамғармаларини қўшиб, жабрланувчининг уйига боришди, ундан, отасидан узр сўраб, даъвосидан қайтишни илтимос қилишди. Уларнинг сўзи ерда қолмади. Эртаси куни туман ИИБга келган жабрланувчи Қ.Раҳмонов келтирилган зарар қопланган, айбдорлар узр сўрагани учун улар билан ярашгани, уларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида ариза ёзиб, терговчи Р.Аслановга бериб кетди. Бир қарашда ҳақ жойига қарор топаётгандек эди.

Лекин ишнинг бундай хайрли якун топаётгани терговчини қизиқтирмасди. Чунки унинг фикру хаёли Қ.Аҳмедов олиб келадиган 1000 долларда эди. Шу сабаб Асланов ИИБ бошлиғи номига ёзилган аризани қонуний равишда қайд этиш китоби рўйхатидан ўтказмади, бошлиғига ҳам кўрсатмади, шунчаки бир четга ташлаб қўйди, холос. Расмий тил билан айтганда гўёки "ИИБга бундай ариза келиб тушмаган" эди.

Эртаси куни кириб келган Қ.Аҳмедов терговчи айтган пулни топиш имконияти йўқлигини айтиб, ундан нархни пасайтиришни сўради. Шундан кейин Р.Асланов 800 доллар "хизмат ҳақи" олишга рози бўлди. Қаранг, бир ноинсоф терговчининг касофати билан туман ички ишлар бўлимининг 28-хонаси олди-сотди жойига айланди-қолди. Кейинроқ Қ.Аҳмедов қўнғироқ қилиб, ҳозирча 700 доллар келтириб беришга рухсат сўраганда, бунга ҳам рози бўлди...

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг очиқ мажлисида судланувчи сифатида сўроқ қилинган Р.Асланов содир этган жиноятига тўлиқ иқрор бўлди. Бундан ташқари унинг айби қўлга олиш тадбирида иштирок этган холислар, гувоҳларнинг кўрсатмалари, бошқа далилий ашёлар ёрдамида ҳам тўла-тўкис исботланди. Шунга кўра, суд ҳайъати Аслановни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 210-моддаси 3-қисмининг "б" бандида кўзда тутилган "масъул мансабдор шахс томонидан пора олиш" жиноятини содир этишда айбдор, деб топди ва уни 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

Халқимиз "Қассобга ёғ қайғуси, эчкига — жон", деб бекорга айтмаган экан. Чунки ҳамма ҳам умид билан фарзанд ўстириб катта қилади, жиноят содир этсин, бировни қақшатсин, деб ният қилмайди. Боласи содир этган қилмишидан юзи шувут ота-она рўзғордан орттириб, керак бўлса, еб турган луқмасини ҳам бериб, фарзандини жазодан олиб қолиш, насиҳат қилиб, тўғри йўлга солишга ҳаракат қилади. Рустам Асланов эса шундоқ ҳам ташвишдан боши қотган кишиларга қонун доирасида яратилган енгилликни раво кўрмади, бировнинг бахтсизлигидан ўзининг ҳузурҳаловати йўлида фойдаланиб қолмоқчи бўлди.

Мамлакатимиз йил сайин инсон қадр-қиммати энг олий қадрият, деб саналадиган фуқаролик жамияти сари илгарилаб борар экан, ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларида Р.Асланов каби тасодифий кимсаларга ўрин бўлмаслиги керак.

**Алишер ИСЛОМБЕКОВ**

# ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

КУЗАТУВ

## “Ёшуллли”ни излаб...

**Касбимиз тақозоси билан жамият ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий турмуш манзараларини кузатамиз. Демократик ислоҳотлар, иқтисодий омиллар, ҳар томонлама жадаллашаётган хорижий ҳамкорлик алоқалари таъсирида ҳамюртларимизнинг маданий-маънавий савиясининг юксалиб бораётгани киши эътиборини тортади.**

**... Яқинда салкам 60 йиллик умрини қишлокда – йирик маданий ва илмий-маърифий марказлардан бироз йирокда ўтказиб, замона зайли билан фермерлик рутбасига етишган бир ошнамизнинг ҳайрат ва ҳаяжонга тўла ҳикоясини тингладик.**

Унинг айтишича, хўжалик юмушлари билан боғлиқ масала ечими юзасидан пойтахтдаги нуфузли идоралардан бирига мурожаат қилибди. “Агар келолсангиз, масалани шу ернинг ўзида ҳал этган бўлардик”, дея жавоб беришибди унга. Фермер ана шу идорага борибди. Бу ерда унга ўз туманида бўлганидек, совуқ муносабатда бўлишмабди, “Раҳбаримиз йўқ, ҳокимият ёки фалон мажлисга кетган” ҳам дейишмабди. Аксинча, котиба илиқ муомалада бўлиб, бир неча дақиқадан сўнг раҳбар қабулига киришини, унгача газета-журналларнинг янги сони билан танишиб туришини айтибди. Хуллас, қабул ғоят самимий руҳда кечибди.

– Ўша ташкилот раҳбари маҳаллий идораларда бир неча ойлардан буён ўз ечимини топмаётган юмушимни бир неча дақиқадаёқ ҳал этди, – деди ошнам мамнуният билан. – Агарда ишим ижобий ҳал бўлмаган тақдирда ҳам улардан миннатдор бўлардим. Негаки, инсонга ширин сўзнинг ўзи кифоя. Муомала маданиятимиз нечоғли ортганлигини қишлокдан нари ўтмаганимиз боис сезмаганлигимни ўшанда пайқадим. Биз-ку, дала кезиб кўп нарсадан бехабар қолибмиз. Аммо одамлар бош уриб борадиган маҳаллий идоралар раҳбарлари пойтахтга ва бошқа йирик шаҳарларга бўзчининг мокисидай қатнашади-ку? Наҳотки, у ердаги муомала маданиятидан андоза олиш шунчалар қийин бўлса?!

*“Уларнинг барчасида жавоб деярли бир хил: “Ёшулли йўқ”, “Мажлисда”, “Ҳоким чақирган”. Воажаб, наҳотки “Ёшулли”ларнинг умри сафарда, мажлисда, ҳоким ҳузурида ўтса. Унда уни интиқ кутган долзарб муаммолар ечимини ким топади?”*

Шу ўринда суҳбатдошимнинг сўнгги сўзларига эътироз билдирдим. Унга маҳаллий идоралардаги ҳамма раҳбарлар ҳам бирдек эмаслигини, уларга қўнғироқ қилинса телефон гўшагини котиба ёки навбатчи эмас, айнан раҳбарнинг ўзи кўтаришини, ҳал этилиши лозим бўлган масала ва юмушларнинг кўплигидан нолимасликларини айтиб, уни овунтирган бўлдим.

Дарҳақиқат, Хоразмда ўз хизмат вазифасини сидқидилдан адо этаётган, ютуқлардан ҳаволаниб, камчиликлардан эсанкирамаган фидойи раҳбарлар талайгина. Хусусан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос, III даражали Давлат адлия маслаҳатчиси, мустақил мамлакатимиз прокуратурасининг етук намояндаси сифатида танилган марҳум Юсуфбой ака Раҳмонов ана шундай ёшуллилардан бири эди. У телефонлардан бўладиган деярли барча қўнғироқларга ўзи жавоб бериб, мурожаатларни ўз вақтида ҳал этиб келганлигини кўпчилик ҳали-ҳамон эсга олади.

Шунингдек, давлат ветеринария шифохонаси раҳбари Маримбой Султоновни бемаҳалда изласангиз-да, хизмат хонасидан топасиз. Бордию, айрим ҳолларда тополмай қолсангиз, гўшакни кўтарган котибадан: “Ёшуллидан топшириқ олган. Телефон рақамингизни қолдиринг, ўзлари қўнғироқ қиладилар”, деган жавобни эшитасиз. Маримбойнинг одати шу – хонада бўлмаган вақтида сим қоқиб йўқлаган кишиларни кейин ўзи излаб топади. Бу ҳолга мен ўзим бир неча марта гувоҳ бўлганман. Раҳбарлик ва инсонийликни бир-бирига уйғунлаштирган ҳолда иш юритаётган замондошларимиз, таъкидлаганимиздай, талайгина.

... Гурландаги “Деҳқонобод” ширкат хўжалигини сўнгги ўн йил мобайнида (хўжалик фермерликка ихтисослаштирилгунига қадар) Исмоил Йўлдошев бошқарди. У раҳбарлик қилган кезларда нафақат қишлоқ аҳли, балки вилоят ва мамлакат миқёсида ҳам раҳбарларнинг ишончи, ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Бунга у камтарин меҳнати, теран билими, катта-кичикка бирдай муомаласи туфайли эришди. Ҳузурига йўл-йўриқ, маслаҳат сўраб келувчиларнинг кети узилмайди. Ҳатто вилоятнинг аксарият етакчи раҳбар-ишбилармонлари ҳам бирор кенгашли гап чиқса, Исмоил акани йўқлашади. У ҳеч қачон, “Бу масаланинг менга даҳли йўқ. Адашиб бошқа эшикни қоқибсиз”, деган иддаони айтмайди. Имкон қадар кишилар ҳожатини чиқаради.

Одатда, аксарият ҳолларда одамлар раҳбардан андоза олиб, унинг раъйига қараб иш тутишга ҳаракат қилади. Бундай пайтларда масъулиятни ўз зиммасига олган, қўл остидагилардан орқада эмас, олдинда юргувчи, ҳузур-ҳаловатидан кўра, одамлар манфаатини кўзлаб, омилкорлик билан иш юритувчи раҳбарнинг иши ўнг бўлади. Меҳнатда самарадорлик ортиб, эъзозда бўлади. Бу эса навбатдаги ютуқ ва равнақ учун кафолат бўла олади.

Аксинча, фаолиятлари давомида юмуш ва ташвишлари зиёдалигини рўкач қилиб, ўзини ўзгалардан айро тутувчилар, котиба ёки йўриқчисига “Сўраганларга мени йўқ деб айт”, дея тайинлагувчилар, ўзгалар ташвишини билиб-билмаганга олувчилар, бошқалар ташвишини ўзига фожиа деб билувчиларнинг эл назаридан қолиши тайин.

Бу йил мамлакатимизда, шу жумладан, Хоразмда ҳам қиш қаттиқ келди. Сув қувури музлаб ёрилган кўчалардан бирининг аҳолиси маҳалла раиси ҳузурига борди. Ўз навбатида раис шаҳар ичимлик сув таъминот идораси масъул раҳбарлари билан биргаликда маҳаллага борди. Вазиятни ҳолис баҳоланиши билан кимларнингдир қалбига оралаган “исён” туйғуси лаҳзада сўнди. Мазкур кўчанинг бошқа чеккасида яшовчи тадбиркор эса раҳбарларнинг очиққўнгиллигидан дили яйраб муаммо ечимини тўлалигича ўз зиммасига олди. Эртасига хонадонларда яна шарқираб сув оқа бошлади.

Кузатишлар жараёнида мижозлари бисёрлигидан энг кўп наф кўрувчи хизмат кўрсатиш тармоқлари, буюртмачи ташкилотлар, айрим муассасалар раҳбарларининг хизмат хоналари эшиги кўп ҳолларда мижозлар учун берк эканлигининг гувоҳи бўлдик. Фикримиз тасдиғи учун шу соҳаларнинг 10 га яқин мутасаддилари телефонига сим қоқдик. Уларнинг барчасида жавоб деярли бир хил: “Ёшулли йўқ”, “Мажлисда”, “Ҳоким чақирган”. Воажаб, наҳотки “Ёшулли”ларнинг умри сафарда, мажлисда, ҳоким ҳузурида ўтса. Унда уни интиқ кутган долзарб муаммолар ечимини ким топади?

Жумладан, биргина “Хоразмавтотеххизмат” корхонаси раҳбарининг на хизмат хонаси, на қабулхонаси, на қўл телефони “йўқ”лигидан ажабланасан киши. Хизмат бинолари атрофи баланд ва мустаҳкам темир панжаралар билан ўралган идораларга ҳам мўраладик. Мутасаддилар эса бу манзарани оддий бир “безак”ка йўйиб қўя қолишди.

Ажабланарлиси, одамлардан ўзига хос тарзда “ҳимояланиш”нинг бу сингари ғаройиб намуналари азим пойтахтимиз – Тошкентда, воҳага ёндош Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳару қишлоқларида, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида деярли кўзга ташланмайди. Қонун талаби, иш тақозоси, манфаат ва наф топиш сир-синоатини хоразмлик айрим “ёшулли”лар қачон англаб етишаркин?

**Абдулла СОБИРОВ,**
**журналист.**

## Изланиш ва ўрганиш керак

*(Бошланиши 1-бетда.)*

Маҳоратнинг ўлчови нимада? Журналист Иброҳим Норматов мақоласини синчковлик билан ўқисангиз унга жавоб топасиз. Маҳорат ўлчови — ёзаётган мавзуни таҳлил қилиш, мустақил фикр юритиш, хулоса чиқариш ва изланиш каби кенгликлар билан баробар. Журналист ўз устида тинмай ишламаса, бошқалардан ўрганишни тўхтатса ёки фикр доирасини кенгайтирмаса энди ундан яхши мақола кутиб бўлмайди.



Муаллифнинг куюниб гапиришида жон бор, афсуски, айрим газеталаримизни газетхон қўлига бир олиб, кўз югуртириб қўймоқда, холос. Кўз югуртириб... деганим ўқияпти деганим эмас, чунки у ўқийдиган нарсасини топмаяпти ва кўнгилочар газетани ёнбошлаб ўқияпти, уларнинг муаллифларини маҳоратли, ўз касбининг усталари деб алқамоқда. Демак, маҳорат шунақа бўлади деган тушунчасини яна ҳам мустаҳкамлаяпти.

Мен кўп ўйлайман. Хўш, маҳорат қайси пайтда тобланади, қайси жойда авж олади. Мақола муаллифи рост айтади, очерк, репортаж, лавҳа каби жанрлар туман газетаси нарида турсин, республика нашрларида ҳам кўринмай қолди-ку... Ҳамма бўлиб ўтган воқеа билан, суҳбатлашиш билан, ҳисоботларни ёритиш билан овора.

Қалам ҳам кетмондай гап. Кетмонни ерга қанча кўп урсангиз, шунча юзи очилиб боргани сари, қаламни ҳам бўладиган мавзуга урсангиз ҳосили чакки бўлмайди.

Журналистнинг бир қолипга тушиб қолиши ҳам ёмон. У истаган мавзуни ўзи йиллаб тайёрлаган қолипига солаверади. Натижада, услуб ўша, ёритиш ўша, фақат воқеа бошқача... Шунинг учун ҳам журналист бир қолипга тушиб қолишдан ўзини сақлаши керак. Бунинг давоси эса муаллиф айтганидек, изланиш ва ўрганиш керак!

Кейинги пайтларда туман газетаси ҳақида турли мунозаралар ва баҳслар уюштирилди, ҳаммаси яхши томонга, албатта. Лекин матбуотга қўйилаётган бугунги талаб ва вазифалар туман газетасига ҳам юз фоиз тааллуқли. Бу ерда ишлаётган журналистлар ҳам ўз устида ишламас эканлар, газеталари ҳеч қачон ўқимишли бўлмайди.

Афсуски кейинги пайтларда туман газеталарига келиб қўшилаётган ёш кадрлар бармоқ билан санарли. Келганлари ҳам ёзганлари бир-икки чиғириқдан қийналиб ўтганидан кейин жуфтакни ростлаб қолишади. Улар кўнгилочар газеталарга бориб нимани ёзишса, шуни чоп эттираверади. У ерда унга ҳеч ким ўргатмайди, ўзи ўрганади, демак устоз ҳам ўзи, шогирд ҳам ўзи.

Маҳоратни ошириш масаласида муаллифнинг таклифларини қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни айтмоқчиманки, тажрибали журналистларимиз билан ёшларнинг алоқаларини мустаҳкамлашнинг турли йўлларини излашимиз зарур. Шогирдлар ўзи келмаса устозлар матбуотни кузатиб бориш жараёнида “пичоққа илинадиган нарсаларни” ёзаётганларни ҳузурига чорлаб, тўғри йўл кўрсатсалар ҳам мақсадга мувофиқ бўларди. Хуллас, маҳорат масаласини ўз ҳолига ташлаб қўйиш матбуотимизга жиддий зарар етказишини унутмаслигимиз керак.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ,**
**Ўрта Чирчиқ туман “Машъал” газетаси бош муҳаррири.**

## Журналистлар учун қўлланма

Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди яқинда яна бир хайрли ишни амалга оширди. Фонд кўмагида “Босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун қўлланма”нинг яратилиши бугун матбуотда қалам тебратаётган ва журналистика соҳасида энди фаолиятини бошлаган ёш журналистлар, талабалар учун айни муддао бўлди. Чунки тўртта қисмдан иборат ушбу қўлланмада журналистиканинг умумий масалалари, жанрлари таснифи, йўналишлари, таҳририятларнинг фаолиятини бугунги кун талабларига мос равишда ташкил қилиш масаласи профессионал даражада акс эттирилган.

Қўлланманинг илк нашри қисқа фурсатда тарқалди ва кўпчилик манфаатдор жамоалар сотиб олиш истагини билдирганлари сабабли қайта нашрга тайёрланмоқда. Шу муносабат билан таҳририят ходимлари учун пул ўтказиш йўли билан қўлланма сотиб олиш ҳақида буюртма бериш мумкин. Буюртма нашрнинг умумий сони кўрсатилган ҳолда Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 25 мартга қадар тақдим этилиши лозим.

**Маълумотлар учун:**
**телефон 244-16-15,**
**тел/факс 244-12-51,**
**электрон почта e-mail@uzpak.uz**

СЎРОВ

## Матбуотимиз равнақи: ким қандай фикрда?

**1. Матбуотимизни янада ривожлантириш уфқини қайси ўлчамларда кўрасиз?**
**2. Ўзбек матбуотида танқид қандай ўрин тутиши керак, деб ўйлайсиз?**
**3. Иш фаолиятингиздан қониқасизми?**

Дилбар САИДОВА, “Оила ва жамият” газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

**1.** Биз, аввало, ўқувчи ўқиши, ўз-ўзини идрок этиши, ўзлигини англаши, яшашдан мазмун-мақсади нима эканлигини теран тушуниб етиши учун газета чиқарамиз. Ҳар бир нашр мана шу талабларга жавоб бера олса, матбуот ривожланади. Ўшандагина инсон эркин фикр юритиб, теран тафаккур соҳибига айланади.

Бироқ кейинги пайтда жамиятимизда турли-туман савияси саёз газеталар урчиб бораётганлиги мухлислар эҳтиёжини қондирмаяпти. Назаримда, муштарий “Менинг газетам” дея бирор нашрни қабул қилиши учун ёзаётган мақолаларимиздан улар дилидаги саволларга, изтиробларига жавоб топа олиши ҳам керак. Бунинг учун ҳамкасбларимиз мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ходимларига кўрсатилган эътибор ва рағбатдан самарали фойдаланиши даркор. Бугун давр журналистдан фақат жамият ҳаётидаги долзарб муаммоларни кўтариб чиқиш, унинг самарали ечимларини топиш, турли соҳаларда кечаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни ҳозиржавоблик билан очиб бериш билан бирга оддий турмуш тарзимизда рўй бераётган ҳодисаларга ҳам масъулият билан ёндашиб бирдек ёритиб боришни тақозо этади.

Дунёда шундай инсонлар борки, ўз истеъдоди, меҳнати билан космонавт эришган даражага етган. Шу қаҳрамонлар қаторида, ҳаётда ўйламай қўйган бир қалтис қадами туфайли йўлини йўқотиб, қаерга боришини билмай юрганлар ҳам йўқ эмас. Матбуот уларга ҳам маънан, ҳам руҳан, ҳам ақлан таъсир кучини ўтказа олиши зарур. Бу вазифанинг ижросини фақат малакали кадрлар таъминлайди.

**2.** Матбуотда танқид бўлиши керак. Фақат адолатли, холис, асосли бўлса, жамиятга ҳам, шахсга ҳам нафи тегади. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, муаммога танқидий ёндашаётган журналист унинг ортида аввало инсон тақдири турганлигини ҳис этмоғи шарт.

Баъзан “Оила ва жамият”га оилавий муаммоларга боғлиқ кўплаб танқидий мақолалар келади. Ҳар қандай танқидни газетага бераверсак, бировнинг рўзғори бузилиб кетмасмикин, балки шу мақолани бермасам яхши бўлиб кетар, деган хаёлга бораман ўзим ҳам. Чунки танқид ҳам баъзан одамга аксинча таъсир кўрсатиши мумкин. Матбуот эса ҳаётимизнинг кўзгуси. Бу кўзгуни эгри-бугри акс эттиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**3.** Касбимдан фахрланаман. Газетага ҳар куни ўнлаб мактублар келади. Одамлар дардига малҳам, қувончига шерик бўлиш мен учун олий саодат. Газетамиз саҳифаларидан ўрин олган “Қайда ўзи ўша бахт?” рукни орқали қанча инсонлар жуфтини топиб, бахтли бўлиб кетмади, дейсиз. Ҳар доим олдимда турган вазифага масъулият билан ёндашганим учун газетанинг ҳар бир сонида янги фикр туғилади. Газета муштарийга яқин бўлиши учун яна нимадир қилиш керакдек туюлади. Бу борада анча йиллардан буён таҳририятда фаолият кўрсатаётган истеъдодли журналистларнинг ёзган мақолалари мени қониқтиради.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

## Ижодий юксалиш

### Бугун Андижон вилоят телерадиокомпаниясида

**Оммавий ахборот воситалари ичида тезкорлиги, ҳаётийлиги, таъсирчанлиги билан аҳолининг барча қатламини қамраб олган телевидение Фарғона водийси вилоятларида ўзига хос тарзда ривожланиб боряпти.**

Бунинг асосий сабаби – тележурналист ижод маҳсули у хоҳ Наманган, хоҳ Фарғона, хоҳ Андижон вилоятлари телевидениесидан тарқатилмасин, бир макон, бир истеъмолчи имтиҳонидан ўтади. Яъни бугун фаолият кўрсатаётган учта давлат телерадиоканали, еттита нодавлат телеканалларининг томошабини – Фарғона водийси аҳолисидир. Бу ерда томошабинда танлаш имконияти жуда катта. У ўзи истаган, уни қизиқтирган телеканални томоша қилади. Шунинг учун ҳам Фарғона водийсидагидек телеканаллар бозорида ўз томошабинига эга бўлиш жуда катта ижодий етуклик, журналистик маҳорат, телевизион техникадан самарали фойдаланиш каби фазилатларни талаб этади. Андижон вилоят телерадиокомпанияси жамоаси бир жиҳатдан бунга эришмоқда. Сўнгги бир-бир ярим йил ичида бу ерда ижодий юксалиш сезилди.

Жумладан, кўрсатувлар мавзусини танлашда долзарблик асосий мезонга айланди. “Янги кун”, “Диёр”, “Саломатлик бекати”, “Бахт кўргони”, “Инсон ўзинг”, “Юртдошлар”, “Маънавият — қалб кўзгуси”, “Етти кун” сингари кўрсатувлар ташкил этилиб, уларда вилоятдаги ижтимоий иқтисодий долзарб масалалар ўз ифодасини топди. Агар илгарилари кўрсатувларда асосан эришилган муваффақиятлар оммалаштирилган бўлса, энди таълим, тиббиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги камчиликлар ҳам очиқ-ойдин айтилиб, унинг сабаблари таҳлил қилинган ҳолда масала ечими ҳақида журналист муносабатлари билдириладиган бўлди. Томошабинда у ёки бу муаммога нисбатан бефарқлик ўрнини дахлдорлик эгаллай бошлади. Телевидениеда намойиш этилган танқидий-таҳлилий лавҳа ёки репортаж вилоят раҳбарининг ҳам эътиборида бўлгани, аксар ҳолларда мавзунинг муҳокамаси ҳоким ташаббуси ва иштирокида ўтказилгани эса унинг ижобий якунини тезлаштирди. Бундай ҳолат телетомошабинда информация воситаси — телевидениега нисбатан ишончни орттирмоқда.

Қолаверса, тасвир сифати тубдан яхшиланиб, телережиссура мукаммаллашди. Бунинг сабаби техник имкониятлар кенгайгани ва ундан фойдаланишда маҳорат ошганида эди. Ўтган 2007 йилдагина Андижон вилоят телерадиокомпаниясида вилоят ҳокимлиги ажратган 113 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, янги студия фойдаланишга топширилди. Мамлакат ҳукумати қарори билан эса бу ерга 1 миллион 632 минг еролик ёки 2,7 миллиард сўмлик замонавий телевизион техник жиҳозлар келтириб ўрнатилди. Жорий йилнинг 1 январидан Андижон телерадиокомпанияси ҳар куни ўн соатдан ўз кўрсатувларини эфирга узата бошлади.

Шунингдек, ижодий ходимлар таркибини ёш, интилувчан ҳамда изланувчан ёшлар ҳисобига кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор бериляпти. Зокиржон Юсупов, Наргиза Эшонова, Абдураҳмон Исоқов, Ҳусанбой Шокиров, Матлуба Юсупова каби муаллифлик кўрсатувларига эга тажрибали журналистлар сафидан Зулфизар Раҳмонова, Ғайратбек Сирожиддинов сингари иқтидорли ёшлар жой олдилар. Улар тайёрлаган янги-янги кўрсатувлар, воқеликларни дадил шарҳлай олишлари, янгиликни шу куниёқ етказиш қобилияти билан томошабин эътиборига тушдилар.

Албатта, ҳали қилинадиган ишлар ҳам талайгина. Аввало янги студия ва олиб келинган техник жиҳозлардан янада самарали фойдаланиб бевосита мулоқотлар, тўғридан-тўғри репортажлар ташкил этиш, кўрсатувлар дизайни устида иш олиб бориш, дам олиш-кўнгилочар дастурлар яратиш каби вазифалар ўз ечимини кутмоқда.

**М.ОБИДОВ**

*Суратларда: кўрсатувлар тайёрлаш ва эфирга узатиш жараёнидан лавҳалар.*

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

ШАРҲ

## Ихтилоф даври ўтди — энди муросага...

### Ёки НАТОни Москва билан ҳисоблашишга ундаган куч нима?

Грузия ва Украина НАТОга кириш учун кўпдан бери ҳаракат қилади. Ҳар икки давлатда Шимолий альянс гўёки қўшни буюк давлатнинг тажовузидан сақловчи сеҳрли ва қудратли куч ўлароқ баҳоланади. Сиёсий доирада устувор бўлган ана шу фикр оддий аҳоли онгига ҳам тузукина сингдирилган. Шу сабабли, украинлар ҳам, грузинлар ҳам НАТОга киришни тушуниксиз ҳолда интиқлик билан кутишади.

Ўтган ҳафта НАТОга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари Брюсселда йиғилиб, Грузия ва Украинанинг ҳарбий иттифоққа аъзо бўлиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқишди. Альянснинг Польша, Чехия каби ёш аъзолари бағрикенглик ва қизиққонлик билан "рангли" инқилоб мамлакатларини аъзоликка қабул қилишни қўллаб-қувватлашди. Бироқ НАТОда сўзи тош босадиган "оғир-карвон" давлатлар (Германия, Франция ва бошқалар) бу масалани кейинроққа қолдиришни афзал билишди.

Брюсселнинг Тбилиси ва Киев сўровини кечиктиргани шунчаки эҳтиёткорлик ёки манманлик туфайли эмас. Ҳарбий иттифоқнинг ушбу масалани орқага сураётганига мутахассисларнинг фикрича бир қанча жиддий сабаблар бор...

Айни пайтда НАТО раҳбарияти келгуси ойда – 2-4 апрель кунлари Руминия пойтахти Бухарестда ўтадиган йирик саммитга тайёргарлик кўрмоқда. Шимолий альянс тарихидаги энг йирик анжуман деб баҳоланаётган йиғинда 30 га яқин давлат бошлиғи, БМТ ва Европа Иттифоқи раҳбарияти иштирок этиши кутиляпти. Саммитда Афғонистондаги муваффақиятсизликлар ва НАТОни Болқон давлатлари (Албания, Македония, Хорватия) ҳисобига кенгайтириш каби муҳим масалалар муҳокама этилади.

НАТО Бухарест анжуманига Россия билан сўнгги йилларда совуқлашган муносабатларни яхшилаш воситаси сифатида катта эътибор қаратяпти. Дарвоқе, саммитда Россиянинг ваколат муддати поёнига етаётган президенти Владимир Путин ҳам қатнашади.

Россия ҳар доим ҳам НАТОнинг шарққа томон кенгайишига қарши бўлиб келади. Польша ва Чехияда ракетага қарши мудофаа тизими яратиш режаси, Косово мустақиллиги каби масалалар қатори Украина ва Грузиянинг НАТОга кириши борасида ҳам Москва-Брюссель ягона тўхтамга кела олмайди. Олдинги даврларда-ку, НАТО Москванинг бу каби эътирозларига эътибор бериб ўтирмасди. "Аччиқни аччиқ кесар" қабилида иш тутиб, Россия позициясига қарши сиёсат юритиб қўя қоларди. Лекин

*Брюссель. НАТО бош қароргоҳи.*

Россияда президент алмашаётган ва давлат раҳбарлиги кўпчилик томонидан "Ғарб кишиси" деб баҳоланаётган Дмитрий Медведев ихтиёрига ўтаётган паллада қизиққонлик ва шошқалоқлик қилиб бўлмасди. НАТО Санкт-Петербургдан чиққан арбоб воситасида Кремль билан муносабатларни илиқлаштиришга умид қиляпти. Шу боис ҳам, Виктор Юшченко ва Михаил Саакашвилининг илтимослари ижроси ортга сурилди – геосиёсий аҳамиятга молик муаммо ҳал бўлаётган паллада НАТО арзимас зиддиятлар туфайли Москва билан муносабатларда ортиқча гап-сўз чиқаришни истамади.

> *Лекин Россияда президент алмашаётган ва давлат раҳбарлиги кўпчилик томонидан "Ғарб кишиси" деб баҳоланаётган Дмитрий Медведев ихтиёрига ўтаётган паллада қизиққонлик ва шошқалоқлик қилиб бўлмасди. НАТО Санкт-Петербургдан чиққан арбоб воситасида Кремль билан муносабатларни илиқлаштиришга умид қиляпти.*

Ҳал этаман деса, НАТОнинг ташқи масалалардан ташқари ички муаммолари ҳам етарли. Масалан, Шимолий альянс Германиянинг Афғонистондаги аскарларини жанговар ҳаракатларда иштирок этишга кўндира олмаяпти. Ҳозирда немис ҳарбийлари Афғонистон шимолида тинч ҳудудларда иш олиб боришяпти. АҚШ ва Буюк Британия немис қўшинларини уруш кетаётган жанубий ҳудудларга ўтишга чорлаяпти. Германия канцлери Ангела Меркель эса мамлакат аҳолисининг саксон олти фоизи аскарларни урушга юборишга қарши бўлиб турган пайтда бундесверни очиқ жангга ташлагиси йўқ.

Бундан ташқари, Македония, Албания, Хорватиянинг НАТОга кириши масаласида ҳам аъзолар ҳамфикр эмас. Дейлик, тарихий меросга даъвогарлик қилаётган Греция Македония номини ўзгартириши керак деган қарашда оёқ тираб турибди. Афина расмийларига кўра, Македония Грециянинг тарихий ҳудуди бўлган ва бу ном мамлакатнинг Александр Македонский билан боғлиқ шонли ўтмишини англатади. Македония Грециянинг "тарихий мероси"дан воз кечиб, ўзига янги ном олмас экан, Афина НАТОга киришга қарши тураверади. Бу ёқда ташқи можаролар, у ёқда ўзаро ички ҳисоб-китоблар турган пайтда эса Украина ва Грузия масаласи барибир иккинчи даражали бўлиб қолаверади.

### "ҚОРА ДАСТУР" СИРИ ОШКОР ЭТИЛМАЙДИ



Америка президенти Жорж Буш конгрессга махсус дастур (SAP - Special Access Program) тафсилотлари ошкор этилмаслигини маълум қилди. Махсус хизмат амалга ошириши белгиланган амалиётлар рўйхати давлат сири сифатида ҳозирга қадар махфий сақлаб келинади.

Мамлакат парламентига йўллаган мактубида республикачилар етакчиси махсус дастур материаллари ҳукуматда сақланиши ва у бошқа идораларга тарқатилмаслигини ёзган. Расмий мурожаатда ижроия идорасига сирларни сақлаш учун имконият бериш зарурлиги таъкидланади.

Шу тариқа Жорж Буш конгресс томонидан ишлаб чиқилган разведка тўғрисидаги қонунга вето қўйди ва лойиҳани қонунчилик идорасига қайтарди. Таклиф этилган қонун лойиҳасида Оқ уй парламентга махсус дастур бўйича барча маълумотларни тақдим этиш керак деган талаб қўйилган эди.

АҚШда мазкур махфий ҳужжатлар "қора дастурлар" деб аталади. Бу борадаги маълумотлар бюджет муҳокама этилаётган пайтда ҳам ошкор этилмайди.

### АВТОМОБИЛДА ЮРМАГАНГА... МУКОФОТ

Хитой ҳукумати Олимпиада ўйинлари пайтида автомобилларидан фойдаланмаган пекинлик ҳайдовчиларга пул мукофоти бермоқчи. Ҳозирча мукофот миқдори аниқ айтилмаган.

Пекин маъмурияти нуфузли спорт ўйинлари ўтадиган 8-24 август кунлари ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўлларда автомобиллар тирбандлигининг олдини олиш учун ана шундай чора-тадбир кўришни режалаштирган. Ҳисоб-китобларга кўра, айни пайтда Пекинда 3,3 миллионга яқин автомобиль мавжуд. Пекин мэри Цзи Линнинг фикрича, пойтахтда автомобиллар Олимпиада ўйинлари пайтида махсус жадвал бўйича ҳаракатланади. Такси, автобус ва бошқа тезкор хизматларга мазкур чеклов татбиқ этилмайди.

Ушбу чора-тадбирлар атроф-муҳит тозалигини сақлаш, ҳавога зарарли газлар чиқишини камайтиришга ҳам хизмат қилади.

### ҚИРҚ ЙИЛДА БИРИНЧИ МАРТА МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИК

Малайзияда ўтган парламент сайловида амалдаги коалиция қонун чиқарувчи идоранинг учдан икки қисмини эгаллай олмади ва мутлақ бошқарувни йўқотди. Хабарларга кўра, бу коалициянинг 1969 йилдан бери дастлабки муваффақиятсизлигидир.

Ҳукуматни идора этиб келган Миллий фронт коалицияси парламентдаги 222 ўриндан 137 тасини қўлга киритди. Кўпчилик овоз олиш ва ҳукумат тузиш учун 148 депутатлик мандатини олиш керак эди. Собиқ бош вазир Анвар Иброҳим раҳбарлигидаги мухолифатга парламентдан 31 та ўрин насиб этди. Хитой тилли аҳоли партияси 28, мусулмонлар партияси 23 мандатга эга бўлди.

Малайзияда бир пайтнинг ўзида маҳаллий кенгашларга ҳам сайлов бўлиб ўтди. Амалдаги ҳукмрон партия бешта ҳудуддаги маҳаллий парламентда ҳам устунликни бой берган. Бунга қадар тўққиз штатдан фақатгина биттасида мухолифат кўпчиликни ташкил этар эди.

Сайловдан кейин мамлакат халқига мурожаат қилган 68 ёшли бош вазир Абдулла Аҳмад Бадавий фуқароларни тинчликни сақлаш ва норозилик чиқишлари уюштирмасликка чақирди. Бош вазир, шунингдек, ҳукумат раҳбарлигидан кетиш борасидаги тахминларни рад этди. Яқин кунларда қирол Мизан Зайнал Абидин билан учрашиши ва янги ҳукумат таркибини муҳокама этишини маълум қилди.

### ЕВРОПА БАНКИ РАҲБАРИ ҚАНЧА МАОШ ОЛАДИ?

Европа Марказий банки биринчи марта ўз президентининг маоши тўғрисидаги маълумотни ошкор қилди. AFP хабарига кўра, ЕБ раҳбари Жан-Клод Тришенинг йиллик маоши 345 минг евро (531 минг АҚШ доллари)ни ташкил этади. Бу ўтган йилларга қараганда икки баравар юқори кўрсаткичдир. Марказий банк маълумотига кўра, Европа Иттифоқида пул қадрсизланиши 2,1 фоизга тўғри келади.

ЕБнинг вице-президенти Лукас Пападемоснинг йиллик иш ҳақи эса 295 минг еврога тенг. Маълум бўлишича, Европадаги нуфузли банк олти нафар раҳбар учун ҳар йили ўртача 1,6 миллион евро сарфлайди.

### ЙЎЛОВЧИЛАР БАРМОҚ ИЗИ ТОПШИРИШГА МАЖБУР

Лондондаги Хитроу аэропортида ички рейсда учаётган ҳар бир йўловчи бармоқ изи кўригидан ўтиши керак. 2008 йилнинг 27 мартидан амалга кирадиган тартибга кўра, йўловчилар икки марта – рўйхатга олиш ва самолётга ўтириш пайтида текширувдан ўтади.

The Telegraph газетасининг ёзишича, янги тартиб-қоида жиноятчилар ва ноқонуний муҳожирларга қарши кураш мақсадида жорий этилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур тартиб жиноятчи кимсаларнинг осонлик билан бир жойдан иккинчи жойга ҳаракатланиш эҳтимолини камайтиради.

Айрим таҳлилчилар мазкур қоидани фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари бузилиши деб ҳисобламоқдалар. Бунга қарши позицияда турганлар бармоқ излари тўғрисидаги маълумотлар махфий қолиши ва бошқа идораларга топширилмаслигини айтмоқдалар.

Мазкур тартиб яқин кунларда Англиядаги иккинчи йирик аэропорт – Гэтвикда ҳам жорий этилади. Кейинроқ бутун мамлакат миқёсида ҳам ана шу қоидани жорий этиш борасида режалар йўқ эмас.

АҲВОЛ

## Маърифат асри муаммоси

### Дунёнинг айрим мамлакатларида хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоялаш масаласи долзарблигича қолмоқда

**Энг муҳтарам ва мукаррам зот сифатида аёл шаънига кўп яхши сўзлар айтилади. Дунёдаги барча яхшиликлар сабабчиси, буюк жаҳонгиру тенгсиз алломалар тарбиячиси бўлган хилқат ҳақли равишда таъриф-тавсиф этилади. Юртимизда ҳам асрий қадриятларимизга мувофиқ хотин-қизларга юксак даражада эҳтиром кўрсатилмоқда. Аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга давлат аҳамиятига молик масала сифатида эътибор қаратилмоқда.**

**Лекин дунё айвонида рўй бераётган турфа ҳодисалар, ихтилоф ва зиддиятларни кузатар экамиз, она сайёрамизнинг барча минтақаларида ҳам хотин-қизларга муносабат мамлакатимиздаги каби ижобий эмаслиги, келажак тарбиячилари бўлган аёлларга ҳамма жойда ҳам бирдек ғамхўрлик кўрсатилмаётганига амин бўлиш мумкин. Ачинарлиси, мазкур нохуш ҳолатлар маърифат асри деб аталаётган янги юзйилликда рўй бермоқда. Қуйида келтирилаётган маълумотлар ҳам жаҳоннинг кўплаб давлатларида аёлларни асраб-авайлаш, улар ҳуқуқини таъминлаш ҳамон долзарб муаммо бўлиб қолаётганини яна бир карра тасдиқлайди.**

### ТОЖИКИСТОНЛИК МУҲОЖИР АЁЛЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА МУРОЖААТИ

Россия Федерациясидаги тожикистонлик аёллар 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мамлакат президенти Имомали Раҳмон номига мактуб йўллашди, деб хабар беради www.tajmigrant.com сайти. Россияда тирикчилик важидан сарсон бўлиб юрган юзлаб аёллар номидан юборилган мурожаатда тожик хотин-қизлари ўзга юртда қанчалик оғир шароитда меҳнат қилишаётгани, давлат томонидан эса уларга амалий кўмак берилмаётгани айтилади. Мактубда қуйидаги муаммолар тилга олинган:

*"Бугунги кунда биз – тожикистонлик аёллар, Россия Федерациясидаги меҳнат муҳожирларининг 30 фоизини ташкил этамиз. Оғир ва кам ҳақ тўланадиган соҳаларда меҳнат қилишга мажбурмиз. Бизлар Ватанни ҳаддан зиёд муҳтожлик туфайли тарк этганмиз. Болаларимиз уйда қаровсиз, меҳрсиз қолмаслиги учун уларни ҳам ўзимиз билан олиб келганмиз. 2003 йилга қадар турмуш ўртоқларимиз ва ўғилларимиз Россияга пул топиш учун келишганди, улар юборган маблағ билан тирикчилик ўтказаётган эдик. Бугунга келиб улар ҳаммалари касал ва меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолишди, айримлари эса ногиронга айланишди. Шундан кейин биз оналик бурчини адо этиш ва оила бошлиқлари ўрнини билинтирмаслик учун республикамизни тарк этишга мажбур бўлдик. Фарзандларимиз, кекса ота-оналаримизни боқиш учун кунига йигирма соатдан меҳнат қиламиз.*

*Жаноб Президент, Сизнинг ҳам қизларингиз бор ва, ўйлаймизки, аёллар муаммоларини тушунарсиз. Хотин-қизларга бўлган бундай меҳрсизлик қачонгача давом этади?*

*Биз ўз уйимизда, яқинларимиз билан бирга, оила бағрида яшаш ва ишлашни истаймиз. Ҳозир барча яқинларимиз бутун дунёга тарқаб кетган гўё. Уларнинг айримлари билан йиллаб учрашолмаймиз. Яна айримлари эса дому дараксиз йўқолган.*

*Оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радио орқали ҳар куни эшитамиз, сиз мамлакатни идора эта оладиган ягона инсон экансиз. Балки шундайдир. Лекин республикамиз ташқарисида ҳам депутатликка, давлатнинг юқори лавозимларига, жумладан, мамлакат президентлигига лойиқ бўлган кадрларни кўряпмиз. Агар демократик тартиб кафолатланса, улар ҳам сайловларда қатнашишлари мумкин.*

*Бугунги кунда тожик аёли боши хам ҳолатда юрибди. Бу суверен давлатимизни бошқараётган эркаклар учун номус бўлмоғи керак".*

Шундан кейин мактубда давлат раҳбарига илтимос ва талаблар илгари сурилади:

*"Биринчидан, айни пайтда ҳукумат таркибида кадрлар алмашувини амалга ошириш керак. Сизнинг атрофингизга асосан яқин қариндошларингиздан иборат жамоа йиғилиб олган. Биз Ироқдаги Саддам Ҳусайн (мамлакатни ўғил ва куёвлари бошқарган), Қирғизистондаги Аскар Акаев (ҳокимиятдан ағдарилишига қизларининг эркаликлари сабаб бўлди) тақдири такрорланишини истамаймиз.*

*Иккинчидан, республикада демократик тамойиллр мавжуд эмас, оммавий ахборот воситалари коррупция ботқоғига ботган амалдорлар назоратида.*

*Учинчидан, республикада фақатгина қоғозда кўп партиявий тизим амал қилади. Бунинг яққол исботи, айни пайтда парламентдаги ўринларнинг 90 фоизи сиз раҳбарлик қилаётган партия томонидан эгалланган.*

*Тўртинчидан, биз ўсиб келаётган ёшларимизни билимли кўрмоқни истаймиз. Бизнинг халқимиз ҳам қачондир юқори салоҳият ва билим эгаси, юксак маданият соҳиби бўлган. Ҳозир эса болаларимиз билим олиш ўрнига арзимас чой-чақа эвазига қулларча ишлашга мажбур. Уларнинг аксарияти ўқиш-ёзишни ҳам билмайди".*

Мактубда Тожикистон раҳбари 2008 йилнинг 21 февралида Россия Федерациясига ташрифи чоғида ҳамюртларининг умидларини оқламагани айтилади.

*"Биз сиздан Россиядаги Тожикистон жамоатчилик ташкилотларини ягона куч қилиб бирлаштириш ва муҳожирлар ҳуқуқи учун курашиш йўлида амалий ҳаракатлар кутган эдик. Бунинг ўрнига ташрифингиздан кейин Россиядаги тожик жамоалари ўртасидаги бўлиниш янада кучайди".*

Мурожаатда Россия Федерациясидаги Тожикистон халқларининг биринчи съезди қарори билан 2007 йил 10 ноябрда «Тожикистон меҳнат муҳожирлари» умумроссия жамоатчилик ҳаракати ташкил этилгани ижобий баҳоланади. Ушбу ҳаракат мавжуд оғир вазиятдан чиқишда ёрдам бериши таъкидланади.

*"Биз Тожикистон Республикаси ҳаво ва темир йўллари компаниялари вакиллари хатти-ҳаракатларига эътибор қаратишни талаб қиламиз. Тижорат тузилмаси бўлган ушбу компаниялар давлат томонидан назорат йўқлиги сабабли бизларни хўрлашмоқда, қонунсизлик ва Ватандан йироқдаги фуқароларни қақшатиш эвазига бойишмоқда".*

«Тожикистон меҳнат муҳожирлари» умумроссия жамоатчилик ҳаракати қошидаги хотин-қизлар қўмитаси номидан йўлланган мактуб сўнггида мамлакат раҳбари халқ талабига қулоқ осиши ва қийинчиликда қолган аҳоли томон юз буришига умид билдирилган.

### БМТ БОШ КОТИБИ ТАШВИШДА

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун халқаро ҳамжамиятни хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун сармоя миқдорини ошириш ва миллий бюджетларни шакллантиришда улар манфаатларини ҳам эътиборга олишга чақирди.

Пан Ги Мун хотин-қизларга ҳали ҳам нотенг муносабатда бўлинаётгани ва зўравонлик ҳолатлари учраётгани, уларда керакли ресурс ва иқтисодий имконият мавжуд эмаслиги, муҳим қарорларни қабул қилишда уларнинг фикри инобатга олинмаётганини ташвиш билан қайд этди.

Бош котиб аёлларни ҳимоялаш йўлида ажратиладиган қўшимча маблағ бутун дунёда иқтисодий барқарорликка сабаб бўлишини таъкидлади.

БМТ раҳбари бу борада маълум ижобий натижаларга эришилаётгани, хусусан, дунёнинг 50 га яқин давлати бюджетни шакллантиришда хотин-қизлар манфаатларини инобатга олиш ташаббусига қўшилганини маълум қилди.

Яқинда Халқаро меҳнат ташкилоти мутахассислари аёлларнинг иш билан бандлиги бўйича ҳисобот эълон қилган эди. Ҳисобот муаллифлари аёллар кўп ҳолатларда кам маош тўланадиган соҳаларда банд деган хулосага келишган.

Маълумотларга қараганда, сўнгги 10 йил ичида меҳнатда банд бўлган аёллар сони 1,2 миллиардга етган. Лекин хотин-қизлар орасидаги ишсизлик юқори кўрсаткич (6,4 фоиз) да қолмоқда (эркакларда – 5,7 фоиз).

Эслатиб ўтамиз, 1945 йили Сан-Франциско шаҳрида имзоланган БМТ низоми хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини эълон қилган биринчи халқаро ҳужжат саналади. Ташкилот аъзолари томонидан аёлларни ҳимоялаш устувор мақсад этиб белгиланган.




### ҲАР БЕШТАДАН ТЎРТТАСИ САВОДСИЗ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Афғонистондаги хотин-қизларнинг ҳолати бўйича баёнот эълон қилди. Унда тенгсизлик ва саводсизлик мамлакат учун энг катта фожиа бўлиб қолаётгани таъкидланади. Шунингдек, халқаро ташкилот баёнотида кўплаб аёллар тиббий хизмат йўқлиги туфайли туғиш пайтида вафот этаётгани айтилган.

2003 йили қабул қилинган Афғонистон Конституциясида аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамланган. Асосий қонунда хотин-қизларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқлари ҳам тикланган. Амалдаги тартибга кўра, парламентнинг қуйи палатасида 25 фоиз, сенатда эса 17 фоиз жой аёлларга тегишли бўлиши керак. Айни пайтда қонунчилик идорасидаги 250 ўриндан 64 тасини аёллар эгаллаганлар.

Айрим ижобий натижаларни эътироф этган ҳолда афғон давлатида аёллар билан боғлиқ кўплаб муаммолар мавжудлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Кузатишларга қараганда, ҳозирда афғон аёлларнинг бор-йўғи 2 фоизи шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга. Қолган 98 фоиз аёлларда ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Шунингдек, мамлакат аёллари орасида саводсизлик даражаси жуда юқори. Афғонистондаги ҳар беш аёлдан тўрттаси ёки 85 фоизи ўқиш-ёзишни билмайди (эркакларда бу кўрсаткич 51 фоиз). Қизларнинг бор-йўғи 20 фоизи бошланғич мактабларга қатнайди. Ўрта мактабларда таълим олиш даражаси эса 5 фоиздан ошмайди.

### МУАММО ЕЧИМИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

БМТга аъзо давлатлар томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган бир қанча резолюциялар таклиф этилмоқда. Муҳокама этилаётган ҳужжатларда бу борадаги турли муаммоларга эътибор қаратилган.

Озарбойжон агар аёллар ва болалар гаровга олингудек бўлса, уларни зудлик билан озод этилишини талаб қилувчи резолюция лойиҳасини тақдим этди.

Антигуа ва Барбуда давлати Фаластин аёлларига ёрдам бериш тўғрисида резолюция қабул қилиш тарафдори. Ушбу давлат таклиф этаётган ҳужжатда Ғазо секторида хотин-қизларнинг оғир аҳволи муҳокама этилади.

**Саҳифа материалларини хориж матбуоти ва Интернет тармоғи хабарлари асосида Абдурасул ПАРДАЕВ тайёрлади.**

# ҲАМ ТАҲДИД, ҲАМ ТАҲҚИР

*(Бошланиши 1-бетда.)*

Бир қисм ёшлар эса тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўзининг, оиласининг фаровонлигини таъминлаш билан бир қаторда юртнинг равнақига ҳисса қўшаяпти. Спортнинг ҳар хил турлари билан машғул йигит ва қизлар халқаро майдонларда Ўзбекистоннинг шон-шарафини ҳимоя қилиб қолмасдан, ўзларининг юксак ғалабалари билан юртимиз, халқимизнинг обрўсига обрў қўшмоқда.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларида, ҳуқуқ-тартибот идораларида, мудофаа ва ички ишлар, солиқ ва божхона тизимларида ишлаётган ёшлар ҳозирданоқ юртдошларининг ҳаваси ва таҳсинга эришаётгани эътиборга сазовордир.

Фақат яшаш эмас, яратиш, бунёдкорлик ҳисси билан яшаётган бу навқирон кучларга келажагига пиллапоя бўладиган бугуннинг ҳар лаҳзаси қадрлидир. Чунки уларга улуғ мақсадлар, тоза ниятлар, покиза туйғулар куч-ғайрат бағишлайди, изланишга, интилишга даъват этади.

* * *

Аммо, ҳамма даврларда бўлгани каби ҳозирги пайтда ҳам фақат қунини бир амаллаб ўтказиш хаёли билан яшаётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Бир гуруҳи пулдор ота-оналарнинг арзандаси, бир гуруҳининг эса енгил-елпи ҳаёт истагида ўзини ўтга-чўққа уриб, кўзлаган мақсадига ета олмасдан ҳафсаласи пир бўлган. Бу тоифадаги йигит-қизларни битта нарса — маънавий қашшоқлик, дангасалик, мақсадсизлик бирлаштириб туради. Шамол табиатли бу тўданинг ўйлари, режалари ҳам феъллари каби енгил, беқарор ва шу даражада маъносизки, хурмача қилиқ ва қилмишларини кўриб, шуларнинг ҳам инсон фарзанди эканига ақлинг бовар қилмай қолади.

Албатта, бу хилдаги ҳаётга, ўзининг тақдирига осмондан туриб қарайдиган, яшашнинг маъносини лаҳзалик ҳузур-ҳаловатда деб биладиган ёшларнинг ҳам бир-бирини излаб топадиган, уюшадиган жойи бор. Дискотека клублари ана шу тоифага мансуб кимсаларнинг доимий макони, десак хато бўлмайди.

Бу масканларнинг шакли-шамойили ва андозаси бизга уммонлар оша Ғарбдан кириб келган. Баъзи ёшларнинг нуқтаи назарига кўра, у даргоҳга ўралашиш, шовқинсуронли, жазавали хорижий нағмалар оҳангида ҳолдан тойгунча ирғишлаш, эмин-эркин беҳаё қилиқлар билан машғул бўлиш, аллақандай қурама тилда мулоқот қилиш "юксак маданиятлилик" белгиси ҳисобланади.Улар шу аснода ўзларини ғарблик тенгдошларини қувиб-етган, жилла қурса уларнинг изидан бораётган "илғор ёшлар" деб билишади, илм билан, меҳнат билан шуғулланаётган тенгдошларига менсимасдан қарайдилар, ҳаётдан орқада қолган маданий қолоқ табақа санайдилар. Бироқ, ўзининг қадр-қимматини биладиган ўша тенгқурларининг улардан ҳазар қилишини хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Ачинарлиси, бу "эркатойлар" ўзлари сиғинаётган, тақлид қилаётган, "юксак маданият намунаси" деб билган, аммо бошдан-оёқ ахлоқсизликка асосланган ўша ҳаётнинг тарихи, моҳияти билан қизиқмайдилар ва билмайдилар...

* * *

Биз билан "юксак ривожланган" мамлакатлар аҳолиси ўртасидаги тафовутни, содда қилиб, ўзимизнинг оддий ўзбек маҳалласи ва кўп қаватли бино мисолида тушунтириш мумкин.

Маълумки, маҳаллада азал-азалдан бир-бирини биладиган, танийдиган кишилар куда-андачилик ва қариндош-уруғчилик ришталари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда истиқомат қилишгани боис барча оилаларнинг, катта-ю кичикнинг ҳаёти кўни-кўшнилар нинг кўз олдида кечади. Натижада ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат устувор бўлади, ҳеч ким маҳалласида ножўя иш билан шуғулланишга журъат этмайди. Элнинг синчков назари остида вояга етган йигитлар одоб-андишага қанчалик риоя қилган бўлса, қизлар ўн чандон ўз шаъни ва номини асрашга интилади. Бу анъана ҳозиргача ҳам давом этиб келмоқда.

Албатта, эл орасида билибми-билмай жиноят қилган, ё номуносиб қилиғи билан аҳли маҳаллани ранжитганлар ҳам учраб туради. Бундай кимсалар ё жамоатчиликнинг таъсири орқали тўғри йўлга солинади, ё элдан чиқади. Мана шунинг ўзи ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, миллий қадриятимизнинг, энг гўзал инсоний фазилатларнинг асрлар оша яшаб, халқимизнинг маънавий поклигини асрашга хизмат қилган ва қилмоқда...

Кўп қаватли уйга эса тақдир-тақозосига кўра турли миллатга, элатга мансуб бўлган деярли нотаниш хонадонлар жам бўлади. Қўшнилар бир-бирини танимаганидан сўнг, бир-бирларини тан ҳам олмайди. Шу аснода бировдан уялишга, тортинишга, андиша қилишга асло эҳтиёж қолмайди. Ҳар кимнинг ўз билганича, ўзига маъқул келган тарзда яшашига имконият туғилади. Албатта, ўзининг инсонийлик қадрини яхши билган, маънавий жиҳатдан халқидан, миллатидан ажралмаган хонадонлар тинч-тотув яшаш билан биргаликда, фарзандларини ҳам одобли, иффатли қилиб тарбиялайди, ота-она ўз ибрати, насиҳати билан ёт таъсирлардан муҳофаза қилади.

Бу — ҳамма кўп қаватли уйлар ҳам шундай масканга айланиб бораяпти, дегани эмас. Юртимизда, аксинча кўп қаватли уйлар, даҳаларга маҳалла руҳи кирганига, уларда яшаётган хонадонлар ўртасида ҳам миллий қадриятлар устувор бўлиб бораётганига анча бўлди.

Юқоридаги мисолни келтиришдан мақсад шуки, бизга шахс эркинлиги ниқоби остида худбинликка, ахлоқсизликка асосланган ўз маданиятини сингдиришга уринаёган айрим давлатлар шакли ва моҳиятига кўра, худди ўша аввалги кўп «қаватли уй»нинг бир нусхасидир, демоқчимиз холос

* * *

Дунёнинг барча ҳудудларидан мўмай даромад, эркин ҳаёт истагида келган турфа халқлар, турли элатларга мансуб кимсалар ўзлари интилган "эркин дунёга" келгач, табиийки миллий заминидан узилади, энди унинг ота-боболари эътиқод қилган динга, урф-одатларга риоя қилишига эҳтиёж қолмайди. Энг муҳими пул топишнинг уддасидан чиқилса бўлди, қандай яшаш эса ҳар кимнинг ўз ихтиёри. Шу тарзда фақат ўзи учун яшаш ақидаси бутун жамиятнинг ҳаёт тамойилига айланади ва маълум маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтиради.

Ана шу эрмаклардан бири эса дискотекадир. У ердаги мусиқа оҳангларига йўғрилган «жўшқин» муҳит, ҳеч қанақа таъқибни тан олмайдиган эркинлик, сархушлик, бир неча соат учун зарур бўладиган жуфтини топишдаги қулайлик ҳар қандай йигит-қизни ўзига тортиши табиий ҳол.

Аммо, Ғарб мамлакатларида ҳам дискотекага ҳамма боравермайди. Хусусан, ўзини аслзода санаган ва оиласининг, ўзининг шаънини юксак билган, келажакда юксак мартабаларни кўзлаб, таржимаи ҳолини ҳар қандай доғлардан холи сақлашга ҳаракат қилган ёшлар у даргоҳнинг остонасига қадам қўймайди. Асосан иши, даромад манбаи тайинли йигит-қизлар ҳамда ҳаётда ўрнини топа олмаган, бир хумордан чиқишга талпинганлар макон тутади. Шунинг учун бундай масканлар ўша жамият учун ғайритабиий, ахлоққа таҳдид соладиган жой саналмайди.

Албатта, ўша элларда ҳам дискотеканинг кунда-шундалари ҳам бор. Улар ўша эрмакталаблар ҳисобидан кун кўради, уларнинг кўнглини овлайди ва шундан лаззат топади. Эртасига кўчада кўрса бир-бирини танимасликка олиб кетаверади, бу табиий ҳол ҳисобланади. Ички моҳияти ҳамда у ердаги қилғиликларнинг шакл-шамойилига кўра, дискотекалар ўша юрт ёшларининг маънавий эҳтиёжини бир қадар қондирадиган, яъни овутадиган, ташвишларидан, айниқса ёлғизлик ғамидан чалғитадиган, кўнглига вақтинча бўлса-да таскин берадиган ҳар бир нарса қадрли, маъқул ва манзур бўлаверади.

Ушбу жиҳатларини дискотекаларнинг ижобий хусусияти, деб ҳисобласа бўлади. Бироқ, салбий томонлари ўн, балки, юз баравар кўпроқдир.

* * *

Ўртимизда дискотекалар кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Олтмишинчи йиллардаёқ ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига мўлжаллаб ташкил этилган "рақс майдонча"лари кейинчалик анча мукаммаллашган шаклга кириб, дискотека ёки "тунги клуб" номини олади. Орадан ярим асрдан ортиқ вақт ўтганига қарамасдан бу масканлар ўзбек йигит-қизлари учун бегона даргоҳ бўлиб қолаверди. Тўғриси, турли миллатга мансуб ёш-яланглар тўпланадиган бу маконлардан айрим ўзбек йигитлари бебаҳра қолган эмас, айниқса, енгил кўнгил хуши истагидаги енгилтак маҳаллий миллат вакиллари ҳам бошқаларга тақлидан ўша атрофда ўралашиб "оммавий лаззат"дан бебаҳра қолмаган.

Лекин, ҳеч қачон ва ҳозир ҳам барча ёшлар учун "муқаддас" маскан саналмаган. Чунки, енгил даромад орқасидан қувган тадбиркорларнинг эпчил қўли билан улар учун мўмай даромад манбаи, халқ учун касофат ўчоғи бўлиб кўринадиган бу даргоҳлар бугунги кунда оммалашиб бораётган, шаклан ва мазмунан ғарбдаги масканларга ўхшаш бўлса-да, миллий хусусиятларимиз, ахлоқий қадриятларимиз, инсоннинг қадри тўғрисидаги тушунчаларимиз, ўзаро муносабатларимизга зид бўлгани боис, уни том маънодаги маърифий-маданий даргоҳ сифатида қабул қила олмайди.

Ҳеч шубҳа йўқки, бизда хушхулқли, одобли, иффатли, ҳаёли хотин-қизлар миллатимизнинг бебаҳо бойлиги, соғлом келажагининг асоси ҳисобланади ва эъзозланади.

Дискотекалар эса мана шу бойлигимизга раҳна соладиган, қадриятларимизни эмас, қадримизни ҳам ҳавога совурадиган масқандир.

Бу гап енгил кайф-сафони яхши кўрадиган, хорижий куй-қўшиқларга муккасидан кетган айрим ёшларга ёқмайди, ғашини келтиради. Шу ҳақда гап очган кишини, албатта "замондан орқада қолган, маданиятсиз кимса", деб ҳисоблайди.

Аммо, беозор кўнгилочар даргоҳларнинг кимгадир етказган иқтисодий зарари ёки фойдаси ҳақида сўз юритиб ўтирмаймиз, балки маънавий зарари ҳақида тўхтаб қўяқоламиз.

Аввало, дискотекага ёки тунги клубларга асосан айрим бадавлат ота-оналарнинг илмнинг кўчасини четлаб ўтадиган, меҳнат сўзини эшитса лабига учуқ чиқадиган тантиқ эркатойлари, аллақандай енгил йўллар билан пул топган ва шундай совурадиган йигитлар ҳамда уларнинг чўнтагини кўзлаган қизлар боради. (Масъул иш, ҳақиқий тадбиркорлик, тижорат билан шуғулланадиган, вақтининг ҳам, тийинининг ҳам қадрига етадиган, бирор соҳанинг эгаси бўлишни кўзлаб касбикорнинг ёки билимнинг ортига тушган ёшларнинг сандироқлаб юришга вақти ҳам, тоқати ҳам йўқ, шу боис узоқдан бўлса-да бундай жойларга қараб қўйишни ҳам лозим деб билмайди).

Боиси пешлавҳаси ярқираб, нимқоронғу хоналари аллақандай сирли лаззатларни ваъда қилиб турган бу даргоҳларнинг соғлиқнинг ҳам, умрнинг ҳам, келажакнинг ҳам заволи эканини ақли бутун кимса яхши тушунади.

Чунки, дискотека, деганда кўз олдингизга беихтиёр ола-қуроқ ёшларнинг жазавали хорижий нағмалар оҳангида жин чалгандек минг хил муқом қилиб маъносиз-матрасиз рақсга тушаётгани келади.

Одам боласи сархушланган сари ким биландир гаплашгиси, ўзининг марду майдон эканини айтиб мақтангиси ёки ҳаётининг нобопликларидан зорлангиси келади. Бунақа гапларни ўз жинсдошингдан кўра бошқа



*Аввало, дискотекага ёки тунги клубларга асосан айрим бадавлат ота-оналарнинг илмнинг кўчасини четлаб ўтадиган, меҳнат сўзини эшитса лабига учуқ чиқадиган тантиқ эркатойлари, аллақандай енгил йўллар билан пул топган ва шундай совурадиган йигитлар ҳамда уларнинг чўнтагини кўзлаган қизлар боради...*

"Ўзинг учун ўл етим" қабилида яшаш, кун кечириш курашиш заминида индивидуализм руҳи пайдо бўлган. "Мен жамиятга эмас, жамият менга хизмат қилиши лозим", деган қатъий тушунча аҳоли барча табақаларининг қонига синггани сабабли, худбинлик катта-ю кичикнинг онгини ўргимчак тўридек қоплаб олган.

Ўша мамлакатлар турмуш тарзининг қоидасига айланган, худбинликнинг ҳам ўзига хос ижобий томонлари бор, албатта. Ҳар бир йигит-қиз ҳеч кимга суянмасдан, таянмасдан, мўъжиза юз беришини кутмасдан, ўз билими, кучига таяниб яшайди, интилиб, захмат чекиб, бой-бадавлат бўлишга, жамиятнинг юқори поғоналаридан ўрин олишга, киборлар гуруҳининг кишиси бўлишга тинмай интилади. Бу йўлда ўзини аямасдан ҳаракат қилади, унинг жонкуярлиги пировардида мамлакатининг тараққиётига хизмат қилади. Зеро, шахсий манфаатдорлик туйғуси бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирадиган куч бўлгани боис, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари интеллектуал салоҳиятга таянади, бу эса фан-техниканинг ривожига туртки беради.

Бироқ, ота-она билан фарзандлар, акаукалар, опа-сингиллар, ҳатто эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг инсоний туйғуларга эмас, қатъий ҳисоб-китобга асосланган ўзаро ҳурмат ва меҳр-шафқатни емириб ташлаган. Ҳеч ким ҳеч кимга таҳдид солмаслигига эришиш эҳтиёжи инсон ҳуқуқлари ҳақидаги тайинли-тайинсиз қонунларини туғдирган.

Бу гапларни айтишдан мақсад шуки, жамият ичида ёлғиз ўзининг дарди, қувончи, орзу-армонлари, ғусса-ю андуҳлари билан яшаш, бошқа ҳар қандай кимса тимсолида дўст эмас, балки ўзи танлаган соҳадаги ҳамкори ёки рақибини кўриш ўз-ўзидан юракдаги барча эзгу туйғуларни сўндириб, ўрнини зардобга тўлдиради. Ёлғизлик ҳиссининг қулига айланган кимса ўзгаларни менсимаслик, ўзгалардан тортинмаслик, ҳаё қилмасликка ўрганади ва кўнгил очадиган турли хил эрмакларни излайди.

тадиган, таскин берадиган маданий маскан ҳисобланади. Ҳатто, бу даргоҳда кимлардир ўзининг бахтини топиши ҳам мумкин.

Чунки, миллий қадриятлар қадрини бутунлай йўқотган жамиятларда оммани овутадиган, турмуш ташвишларидан, айниқса ёлғизлик ғамидан чалғитадиган, кўнглига вақтинча бўлса-да таскин берадиган ҳар бир нарса қадрли, маъқул ва манзур бўлаверади.

Ушбу жиҳатларини дискотекаларнинг ижобий хусусияти, деб ҳисобласа бўлади. Бироқ, салбий томонлари ўн, балки, юз баравар кўпроқдир.

* * *

Ўртимизда дискотекалар кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Олтмишинчи йиллардаёқ ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига мўлжаллаб ташкил этилган "рақс майдонча"лари кейинчалик анча мукаммаллашган шаклга кириб, дискотека ёки "тунги клуб" номини олади. Орадан ярим асрдан ортиқ вақт ўтганига қарамасдан бу масканлар ўзбек йигит-қизлари учун бегона даргоҳ бўлиб қолаверди. Тўғриси, турли миллатга мансуб ёш-яланглар тўпланадиган бу маконлардан айрим ўзбек йигитлари бебаҳра қолган эмас, айниқса, енгил кўнгил хуши истагидаги енгилтак маҳаллий миллат вакиллари ҳам бошқаларга тақлидан ўша атрофда ўралашиб "оммавий лаззат"дан бебаҳра қолмаган.

Лекин, ҳеч қачон ва ҳозир ҳам барча ёшлар учун "муқаддас" маскан саналмаган. Чунки, енгил даромад орқасидан қувган тадбиркорларнинг эпчил қўли билан улар учун мўмай даромад манбаи, халқ учун касофат ўчоғи бўлиб кўринадиган бу даргоҳлар бугунги кунда оммалашиб бораётган, шаклан ва мазмунан ғарбдаги масканларга ўхшаш бўлса-да, миллий хусусиятларимиз, ахлоқий қадриятларимиз, инсоннинг қадри тўғрисидаги тушунчаларимиз, ўзаро муносабатларимизга зид бўлгани боис, уни том маънодаги маърифий-маданий даргоҳ сифатида қабул қила олмайди.

Ҳеч шубҳа йўқки, бизда хушхулқли, одобли, иффатли, ҳаёли хотин-қизлар миллатимизнинг бебаҳо бойлиги, соғлом келажагининг асоси ҳисобланади ва эъзозланади.

Дискотекалар эса мана шу бойлигимизга раҳна соладиган, қадриятларимизни эмас, қадримизни ҳам ҳавога совурадиган масқандир.

Бу гап енгил кайф-сафони яхши кўрадиган, хорижий куй-қўшиқларга муккасидан кетган айрим ёшларга ёқмайди, ғашини келтиради. Шу ҳақда гап очган кишини, албатта "замондан орқада қолган, маданиятсиз кимса", деб ҳисоблайди.

Аммо, беозор кўнгилочар даргоҳларнинг кимгадир етказган иқтисодий зарари ёки фойдаси ҳақида сўз юритиб ўтирмаймиз, балки маънавий зарари ҳақида тўхтаб қўяқоламиз.

Аввало, дискотекага ёки тунги клубларга асосан айрим бадавлат ота-оналарнинг илмнинг кўчасини четлаб ўтадиган, меҳнат сўзини эшитса лабига учуқ чиқадиган тантиқ эркатойлари, аллақандай енгил йўллар билан пул топган ва шундай совурадиган йигитлар ҳамда уларнинг чўнтагини кўзлаган қизлар боради. (Масъул иш, ҳақиқий тадбиркорлик, тижорат билан шуғулланадиган, вақтининг ҳам, тийинининг ҳам қадрига етадиган, бирор соҳанинг эгаси бўлишни кўзлаб касбикорнинг ёки билимнинг ортига тушган ёшларнинг сандироқлаб юришга вақти ҳам, тоқати ҳам йўқ, шу боис узоқдан бўлса-да бундай жойларга қараб қўйишни ҳам лозим деб билмайди).

Боиси пешлавҳаси ярқираб, нимқоронғу хоналари аллақандай сирли лаззатларни ваъда қилиб турган бу даргоҳларнинг соғлиқнинг ҳам, умрнинг ҳам, келажакнинг ҳам заволи эканини ақли бутун кимса яхши тушунади.

Чунки, дискотека, деганда кўз олдингизга беихтиёр ола-қуроқ ёшларнинг жазавали хорижий нағмалар оҳангида жин чалгандек минг хил муқом қилиб маъносиз-матрасиз рақсга тушаётгани келади.

Одам боласи сархушланган сари ким биландир гаплашгиси, ўзининг марду майдон эканини айтиб мақтангиси ёки ҳаётининг нобопликларидан зорлангиси келади. Бунақа гапларни ўз жинсдошингдан кўра бошқа

Кайфияти чоғ, руҳи баланд кимсалар учун миллатнинг, ирқнинг, ҳатто жинснинг ҳам аҳамияти йўқ. Ҳозиргина топишган, бир-бирининг исмини ҳам аранг биладиган йигит-қизлар шу тариқа... Кўпинча маънавий ботқоқ бағрида кечирилган вақтинчалик роҳатфароҳат ортидан ақли расо киши номини ҳам тилга олишга жирканадиган дардларни орттирадилар. Ҳа, айнан тасодифий танишувлар ва алоқалар замирида умрга зомин бўладиган ОИТС ва тери-таносил касалликлари ётади...

* * *

Одатда "миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида" деган иборани кўп ишлатамиз. Бунинг теран мазмуни бор. Гап шундаки, биз халқимизнинг тарих синовларидан ўтган неча асрлик урф-одатлари, ахлоқий фазилатларини умумбашарий қадриятларга алмаштирмоқчи эмасмиз, аксинча жаҳон халқларининг, айниқса илм-фанда тараққиётга эришган халқларнинг маънавиятимизни бойитадиган қадриятларини ҳам ўз ҳаётимизга сингдирмоқчимиз. Токи, дунёга чиққанда ҳар бир элнинг, элатнинг турмуш тарзи, яшаши, одоби ва маданиятдан яхши хабардор эканлигимизни кўрсатайлик, ҳатто уларни ўзимизнинг билимиз, ақл-фаросатимиз билан қойил қолдирайлик. Аммо, кўр-кўрона тарзда уларга эргашиб, ўзимизнинг бебаҳо қадриятларимиздан ҳам айрилиб қолмайлик.

Шунинг учун ҳам дискотекалар, тунги клублар, қиморхоналар жамиятимизга, айниқса ёшларимизга нима беради, нимани ўргатади, бизга нима нафи тегади, деган саволни кенг жамоатчилик чуқур ўйлаб кўриши, миллий қадриятларимизга нафақат таҳдид соладиган, балки таҳқирлайдиган шу сингари даргоҳларга нисбатан ўзининг қатъий ва қонуний муносабатини билдириши тайин.

Чунки, миллатимиз маънавиятининг ҳам, обрўсининг ҳам, шон-шарафининг ҳам ҳимоячиси ўзимиз.

**Бахтиёр РИЗО**

**ТАҚДИР АЖОЙИБОТЛАРИ**

# 80 йиллик дийдор

"Инсоннинг боши — тегирмоннинг тоши" деганларидек, бу дунёда "Тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам-одам билан учрашади" ақидаси ҳам бутунлай рост экан. Қуйидаги воқеа тафсилоти билан танишгач, яна бир бора шундай хулосага келиш мумкин.

Яккабоғ тумани ҳудудида, тоғлар орасида Зармас деган қишлоқ бор. Яқин-яқинларгача шу ўрамдаги кун ботиш тарафда жойлашган Қизилтом, дарёнинг нариги бетидаги Вори, энг тўрда – Ҳисор тизма тоғларининг сирли даралари пойида жойлашган Тошқўрғон қишлоқлари аҳли тўрт оғайнидек жамулжам бўлиб, дориломонликда кун кўришарди. Бу жойларнинг ўз ўтмиши, ҳали ўрганилмаган тарихи бор. Жумладан, пурвиқор тоғларга туташиб кетган яйловларда чорвачилик, учи-қирқи йўқ ҳавворларда деҳқончилик баралла ривожланган, ҳунармандчиликнинг йигирмадан зиёд тури амалда бўлган. Демак, одамлар ўзига тўқ, бардам яшаган.

Ўтган асрнинг бошларида Зармасда икки акаука бой жуда машҳур бўлган экан. Оталаридан етарлича сармояни қабул қилиб олган Маҳмашариф ва Маҳмаражаб от ва қўй савдоси (аспжаллоблик) билан шуғулланган, фақат Қашқадарё ҳудудида эмас, балки Зарафшон воҳасида ҳам бозорлари бўлган. Айнан Самарқанд, унинг атрофидаги Ургут, Иштихон, Каттақўрғон шаҳарларидаги шериклари билан ҳамкорлик қилган. Ўз замонасининг тадбиркор, ишбилармон одамлари бўлган бу зотларнинг бойлиги хусусида "Тиллани чарм саночларга солиб, отга ортиб юришарди", саховати ҳақида "Камбағалпарвар эди, қарз берса, ўзи қайтармагунча сўрамас эди", қабилидаги гаплар оғиздан-оғизга ўтиб, ҳозиргача яшаб келади.

Хуллас, Маҳмашарифбой иш юзасидан кезишлари асносида Иштихонда бир қизга уйланади (бу воқеанинг аниқ тафсилотини келтириш имкониятимиздан ташқарида). Ва тез орада шўро тузуми томонидан қўлга олинишади. Ҳикоя қилишларича, табиатан оққўнгил бўлган ака-ука шўро идорасига ўз оёғи билан борган, "бизнинг гуноҳимиз бўлмаса, хоҳлашса, ҳамкорлик қилайлик, хизматида бўлайлик" дейишган экан. Бироқ шўро тузуми бу "ёт унсур"ларга шафқат қилмаган, шу боришдан қайтиб чиқмай, йўқ бўлиб кетишган. Уларнинг тақдири нима бўлган, бу фақат Аллоҳга аён. Иштихонлик кеннойи эса гумонаси билан қолган ва қиз фарзанд кўрган. Шундай қилиб, Чиннихол ота дийдорини кўрмасдан улғайган.

— Чиннихол аммам вояга етиб, умумий овқатланиш корхоналарида ишлаган, — дея ҳикоя қилади зармаслик Шарофат хола. — Турмушга чиқиб, кўплаб фарзандлар кўрган. Икки ўғли ички ишлар идораларида хизмат қилган, ҳозир улар нафақада.

Табиатан отасидаги ишбилармонлик, тадбиркорлик фазилатларига эга бўлган ая тўқ-фаровон турмушни таъминлаган, хусусийлаштириш бошлангач, ошхонани ўзига мулк қилиб олган. Ҳаммаси жойида эди-ю, унинг юрагини фақат бир армон ўртарди. "Наҳотки отасидан бирор дарак тополмаса?!" Қолаверса, баъзи оғзига кучи етмаганлар уни отасизликда айблар, камситиб, устидан куларди. Бундай муносабатлардан таъсирланган Чиннихол кексалардан тинмай сўраб-суриштирди. Фамилиясидан (Шарипова) отасининг исми аниқ эди, қариялар фақат отаси Қашқадарёнинг Яккабоғидан бўлганини айтишди, холос. У ўғлини ёнига олди-да, Яккабоққа келиб, "Шарифбойни ким билади?" деб роса дарак солди. На расмий идоралар, на жонли гувоҳлар бирор тайинли жавоб бера олмади. Турли идораларга, таҳририятларга, архивларга хат ёзди, болалари билан бориб изладилар, хабар йўқ. Лекин ая умидини узмас, сўнгги нафасигача қондошларини излашга аҳд қилганди. Яккабоққа, атрофдаги бошқа туманларга яна 2-3 марта келиб кетди. Одамлар берган турли маълумотлар асосида қишлоқларга бориб суриштирди, аммо бирор қўлга илинадиган далил йўқ эди.

Ниҳоят, республика телевидениесида "Меҳр кўзда" кўрсатуви ташкил этилгач, Чиннихол аянинг дили ёришди, сўнаётган умид яна учқунланди. Зудлик билан хат ёзди, илтижо билан бирор хушхабар кута бошлади. "Ойнаи жаҳон" орқали аянинг хати ўқиб эшиттирилди. Бироқ ҳеч ким "Мана мен" деб овоз бермади. Шунда у кишининг дили бутунлай хуфтон бўлди. Бу ёқда ёш ҳам саксонга қараб кетаяпти.

Ҳаётда ҳам кўп ўзгаришлар бўлган, шу йиллар давомида Зармас қишлоғи тарихий жойидан Қарши чўлига — Миришкор туманидаги Автономов номидаги хўжаликка кўчирилган эди. "Меҳр кўзда" орқали эшиттирилган хатни янги Зармасда кимлардир эшитган, унда фақат Яккабоғ дейилгани, Зармас ҳақида эслатилмагани, боз устига изланаётган одам Маҳмашарифбой эмас, Шарифбой дейилгани учун эътибор бермаган.

Шундай қилиб, охирги умид ҳам сўнгандек бўлди. Аммо пешонага дийдорлашиш ёзилган бўлса, кутилмаган жойдан бу воқеа амалга ошиши мумкин экан.

Учрашишнинг тафсилоти қуйидагича:

Ишқибозликни қаранг, Иштихондан бир гуруҳ йигитлар чўлга чиқиб, ов қилишга одатланган эди. Улар бир неча йилдан буён шу амални такрорлашар ва маҳаллий хонадонларда тунаб қолишарди. Икки йил олдин овчилар тоғдан кўчирилган Вори қишлоғи ўрнашган Махтумқули номидаги хўжалик қўрғонида меҳмон бўлишади ва гап орасида бир серғайрат опахонни билишларини, бечора нуқул "Отам Яккабоғдан", деб излай-излай сарсон бўлганини айтиб қолишади. Даврада ўтирганлар бефарқ бўлмайди, яна майда тафсилотлар аниқлаштирилади ва шундай тўхтамга келишади. "Сизлар айтган одам бизнинг бобомиз бўлиб чиқади-да, — дейишади мезбонлар — билсангиз, ўша бойга энг яқин қариндош бўладиган одамнинг қизи шу хонадонга келин бўлиб тушган..."

Бу хабар Чиннихол аяга етгач, ўғиллари билан учиб келади. Барча тахминлар исботланади. Орадан роппа-роса 80 йил ўтиб, қондошлар бир-бирини топади. Муродига етган ая хурсанд, эл олдида юзи ёруғ, қариганда бағри тўлиб ўтирибди. Кунора кўнгироқ, ҳафта ўтиб дийдорлашув. Шундай қилиб, Зармас ва Митан ўртасида бир кўприк пайдо бўлди.

**Ҳаким МУҲАММАДИЕВ**

# МАЪНАВИЯТ

**ҚАТРАЛАР**

## Муҳаббат

Йигитга ўнлаб қизларни кўрсатишди. Ҳеч биттаси ёқмади. Ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлди. Сўнг унинг ўзига қўйиб беришди. Бир куни... Ёр-дўстлари шу йигитнинг уйланаётганини эшитишди. Ҳар бири унинг қайлиғини кўришга ошиқдилар. "Қанақа қиз экан-а, у?", — дея қизиқишлари тобора ортарди уларнинг.

Кўришсаки, оддийгина қиз. Ўша қизларга ўхшаш. Улардан ортиқ ҳам, кам ҳам эмас. "Хўш, бу қизнинг сенга нимаси ёқиб қолди?" дея ҳазил қилдилар йигитга.

— У ниҳоятда гўзал! Сизлар унга менинг кўзим билан қаранглар, — деди йигит кўзлари ёниб.

## Севинч ёшлари

Тўй.

Қиз узатиляпти.

Оқ, оппоқ кўйлакда, кўзлари бахтдан чарақлаган қизнинг атрофида дугоналари парвона. Ташқарида келинни олиб кетиш учун келган машинанинг овози эшитилди. Яқинлари қуршовида уйдан чиққан қиз жовдираб онасини ахтарди.

Она эса...

Гўё зарур юмуш билан банддек ҳовлининг бир четида ғимирлаб юрарди. У бўғзига тиқилган йиғини сездирмаслик учун, лабларини қимтиб олган.

Нега? Хонадонининг ҳувиллаб қолаётгани учунми? Ёлғиз қизи уни ташлаб бошқа хонадонга кетаётгани учунми? Ёки бевақт ҳаётдан кўз юмган отанинг бу тўйни кўролмагани учунми? Йўқ, у буларнинг ҳаммаси учун йиғлаб бўлган!

Ҳозир... Она бир фарзанди иккита бўлаётганидан йиғламоқда эди. Илло, қувонч ёшлари ҳар бир она қалбини асло тарк этмасин.

## Она юраги

Саҳнада ёшгина қиз шеър ўқияпти. Ҳамманинг кўзида ёш... Эмишки, муҳаббати йўлида жонини тиккан йигитга севиклиси оғир шарт қўйибди.

— Онангнинг юрагини менга келтирасан, — дебди.

Йигит бу шартни бажаролмай қийналибди. Турли жониворларнинг юрагини келтириб, қизга кўрсатибди, аммо у ўз сўзида туриб олибди.

— Шартимни бажармасанг, сендан кечаман, — дебди қиз. Қиздан айрилиб қолишни истамаган йигит уйига келиб онасини ўлдирибди. Сўнг юрагини шартта суғуриб олиб, кўчага отилибди. Бироқ, йўлда қаттиқ қоқилиб тушибди.

Шу пайт қўлидаги юрак тилга кириб:

— Ўғлим, ҳеч қаеринг лат емадими? — дебди.

... Саҳнада ёшгина қиз "Она юраги" шеърини ўқияпти.

Ҳамманинг кўзида ёш!

**Шаҳноза ШОЖАЛИЛОВА**

2008 йил 7 мартдан жума кунлари

Тошкент - ДУБАЙ - Тошкент

йўналиши бўйича янги қатнови очилади

Тошкент - СЕУЛ - Тошкент йўналиши бўйича:

- қатновларнинг бажарилиши ҳафтасига уч мартага етказилди
- бепул багаж олиб кетиш меъёри оширилди

биринчи класс -60 кг
бизнес класс -45 кг
иқтисодий класс -35 кг,

шунингдек "Uz Air Plus" дастури қатнашчилари учун янги шартлар киритилди.

Маълумотлар учун телефонлар: (998 71) 140 - 02 00. www. uzairways. com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!»




ОРЗУЛАР — ИНСОН •АНОТИ

**МУТОЛАА**

**Бадиий асарни синчиклаб ўқиш, холис таҳлил этиш ва муносиб баҳолаш осон эмас. Бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Чунки адабий асарнинг асл моҳиятини тушуниш учун муайян илмий мезонлар асосида шаклланган эстетик дид лозим, англанган ҳақиқатни ёзма ифодалаш учун эса назарий билим ва истеъдод керак.**

**Айтиш лозимки, профессор Абдуғафур Расулов салкам ярим асрдан буён шу машаққатли, аммо завқли юмушни уддалаб келмоқда. У Ўзбекистон Миллий университетида талабаларга бадиий адабиётнинг сир-синоатини ўргатади, шогирдлар тарбиялайди. Мунаққид сифатида матбуотда янги асарларга муносабат билдиради, адабий танқидий мақолалар ёзади. Дунё адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигидаги янгича назарий қарашлар билан илм аҳлини таништиради.**

# Бадиият ва истеъдод талқини

Олим — изланишдаги одам. Ўқиш ва изланишдан тўхтаган олим, кўлмакка айланади. Ўз билим доирасининг кенгайиши устида тинимсиз ишлаётган чин олим — мавжли дарё. Абдуғафур Расулов бу ҳақиқатни теран англайди. Шу боис адабий жараёнга, хусусан, истеъдодли ёшлар ижодига бефарқ эмас. Шу боис хориж адабиётшунослигида кечаётган адабий ҳодисалардан баимкони қадар бохабар.

Олим ўзининг ҳаёти ва илмдаги тажрибасидан ҳар қандай асардаги муаммо энг аввало бадиятга — "Ўқ илдизи"га бориб тақалишини, бадиий адабиётда эса инсоннинг маънавий-руҳий дунёсини ишонарли тасвирлаш, характерлар яратиш муҳимлигини жуда яхши билади.

Муаллифнинг 2007 йил охирида "Шарқ" нашриётида чоп этилган "Бадиийлик — безавол янгилик" номли китоби юқорида айтилган фикрлар учун далил бўлади. Китобдан Абдуғафур аканинг кейинги йилларда ёзган энг сара адабий-танқидий мақолалари, талқин ва этюдлари ўрин олган. Асосийси — А.Расулов бу мақолаларида қаламга олинган мавзуларини жуда кенг миқёсда билимдонлик билан ёзгани сезилиб туради. "Ҳар бир мукаммал характер — бадиий асар жавҳари. Етук характерлар туфайли асар мангу яшаш васиқасини олади. Характер моҳиятини ўзлик, бетакрорлик, тақдирнинг ўчмас, ёнмас, чопилмас, кесилмас "ёзуви" белгилайди". "Адабий характер" мавзусига бағишланган мақоласида шундай муҳим илмий гапларни айтади. Олим фикрича, санъат тарихида яшаб келаётган мукаммал характерлар учун дунё адабиётида, мумтоз шарқ адабиётида мисоллар кўп. XX аср ўзбек адабиёти тарихида, хусусан, 30-50-йиллардаги кўпгина образлар характер даражасига кўтарила олмагани учун ҳаётий эмас, табиий ҳам эмас. Мажруҳ ва ўткинчи бундай образларнинг завол топишига ҳукмрон мафкура айбдор эди. Бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Умуминсоний моҳиятга эга бўлган мукаммал характерлар прозаик асар даражасининг нақадар юксаклигини белгилайди. А.Расулов фикрича, кейинги йилларда ёзилган айрим насрий асарлар ҳам айнан адабий характернинг нисбатан оригиналлиги, ўзига хослиги боис адабиётшунослар назарига тушди, китобхонлар эътирофига сабаб бўлди.

Абдуғафур Расуловнинг янги китобида илмий масалалар қуруқдан-қуруқ баён қилинмайди. Балки мавзуни ора-орада одамнинг дарду дунёсига, ҳис-туйғуларига, инсон ва жамият орасидаги муаммоларга боғлаб қизиқарли таҳлил этади. Бошқа адабиётшунослардан фарқли ўлароқ, домла бадиият ва истеъдод масалаларини муҳокама қилишда табиий фанларга оид "ДНК — дезоксирибонуклейн ишқорлари молекуласи" ёки "ЛЭМ — лепто-энергомагнит кучлар" каби тушунчаларга мурожаат этади. "Мўъжаз олам — инсон руҳи, маънавияти, ўзлигини кашф этиш бадиий адабиёт мақсадидир. Шарқ илмида "нафс-и аммора", "нафс-и лаввома" ва "нафс-и мутмаинна" ҳақида кўп ёзилган...". Шу зайлда баъзан олим руҳ, жон ва нафс моҳиятидан баҳс юритади. Демак, бунда адабиётшунос учун, хусусан, бадиий асарнинг "руҳ-руҳига, ичичига" кириб бориши учун яқин фан соҳаларидан ҳам бохабарлик ўз аҳамиятига эга, деган фикр келиб чиқади.

Табиат ва инсон — бадиий адабиётнинг азалий ва абадий мавзуси. А.Расулов "Жамодот синоати" мақоласида "уч туғишган — жамодот, наботот ва ҳайвонот", яъни жонсиз табиат, ўсимликлар ва ҳайвонот олами хусусида ёзилган асарларга назар ташлайди. Бадиий адабиётда жонли ва жонсиз табиат ва инсонлараро муносабатларнинг бадиий ифодаси қадим тарихга эга. Олим адабий таҳлил ва талқинлари жараёнида қутилмаган янги фикрларни ҳам илгари суради. Масалан, Дақёнусдан қолган тангада "жамодотдаги замон тушунчаси" ифода қилинган, бунда зарб қилинган вақт билан ундан уч юз тўққиз йилдан кейин амалда бўлган замон тушунчаси ҳамда ашёлари орасида тафовут мавжуд. Шунингдек, тарихий тошохур ёки Миср эҳромлари, афсонавий Зевс ҳайкали ёки Бобил деворлари каби абадиятга дахлдор гўзал обидалар, яъни "жамодот жисмлари"да замон ўзининг бетакрор муҳрини қолдиради. Жонсиз табиат санъаткор одам қўли тегиши билан гўзаллик касб этади, эстетик қиймати билан инсонларни ўзига мафтун қилади. Бадиий асарларда эса сўз воситасида, бадиий тасвирлар орқали абадиятга оид адабий обидалар бунёд қилинади. А.Расулов шу каби масалаларни баён этар экан, ўрни келганда, ўзбек адабиётшунослигида ўрганилиши лозим бўлган муҳим муаммоларни айтиб ўтади, илмий мавзуларни тавсия қилади. "Афсуски, ҳануз Менгзиё Сафаров ижоди ҳақида дурустроқ тадқиқот яратилгани йўқ". М. Сафаров ижоди юзасидан жиддий илмий иш олиб боришга асос-манба етарли. Адиб асарларидаги ўзига хос тасвир, табиатга ошуфта, "табиат кишиси" бўлган ёзувчининг адабий мероси ўрганишга муносиб" А.Расулов шу фикрни асослайди ва унга сизни ишонтиради.

> *Абдуғафур Расуловнинг янги китобида илмий масалалар қуруқдан-қуруқ баён қилинмайди. Балки мавзуни ора-орада одамнинг дарду дунёсига, ҳис-туйғуларига, инсон ва жамият орасидаги муаммоларга боғлаб қизиқарли таҳлил этади...*

Шунингдек, ушбу "Бадиийлик — безавол янгилик" китобидаги "Структура ва структурализм", "Ўзлаштириш эстетикаси ажойиботлари" деб номланган тадқиқотлари ҳам ўзига хос янгилиги билан ажралиб туради. Хўш бу янгиликлар нималарда кўринади? Олим структурализмнинг жаҳон адабиётшунослигида тутган ўрни, асосий тамойиллари, шаклланиши, ривожланиш тарихи ҳамда намояндалари юзасидан маълумотлар беради. Ўзбек адабиётининг айрим намуналари, масалан, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Жимжитхонага йўл" ҳикоясининг мазмун-моҳияти, қаҳрамонларининг "ҳолатлари структурали таҳлилда" намоён бўлишини уқтиради. А.Расулов ўз тадқиқотида "семиотик нуқта", "семиотик калит", "семиотик марказ"ларни ўзбек адабиёти намуналарининг сарлавҳалари ёки биринчи жумлалари мисолида тушунтиради. Гоҳида олим ўша илмий бирикмаларни "эпизод" ёки "услуб" истилоҳига синоним равишда қўллайди. Қиёслаймиз: "Илк семиотик марказ деганда аксарият ҳолларда биринчи мисра (сатр, жумла) тушунилади" (53-бет). "Биринчи жумла — услубнинг ярқ этиб кўриниши, ёзувчи кайфияти..." (298-бет). Энди икки жумлани бириктирамиз. Демак, ижодкор услубидаги ўзига хослик семиотик марказга дахлдордир.

"Ўзлаштириш эстетикаси ажойиботлари"да А.Расулов ижодкор, бадиий асар ва китобхон ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилади. Ўқувчи муаллифни қандай тушунади? Китобхон бадиий асарни тўла идрок қила оладими? Асарни қандай ўзлаштиради? Дарҳақиқат, бадиий асарнинг тушунилиши, зиёлилар оммаси, умумкитобхон томонидан ўзлаштирилиши, қабул қилиниши, бадиий асар ва китобхон муносабати — бу илмдаги муҳим масала.

Шу маънода ўзлаштириш ҳар бир инсон учун субъектив ҳодисадир. Истеъдодли санъаткорнинг ғоясини, бадиият намунасини ҳар ким ўз имкони даражасида ўқийди ва ҳар ким эстетик дидига, билимига яраша тушунади. А.Расулов шу жараёнга эътибор бериб ёзади: "Ёзувчи, адабий матн, китобхон — алоҳида-алоҳида масалалардир. Айни вақтда, ёзувчи бўлмаса, бадиий матн бўлмайди. Бадиий матн йўқми, демак, ўқувчи ҳам йўқ". Ҳақ гап. Бири-бирини тақозо қиладиган бу илмий ҳодисалардан янги бир илмий тушунча юзага келади. Унинг номи — бадиий коммуникация. А.Расулов ёзади: "Бадиий коммуникация ижод психологияси; бадиий идрок этиш эстетикаси; семиотика ва структурализм; адабий-бадиий танқид, танқидчи; асарни талқин қилиш (герменевтика), баҳолаш (аксиология) назариясини келтириб чиқаради". Адабиётшунос бундай мулоҳазалар учун ўринли мисоллар топади, муаммонинг айни кунлардаги илдизини адабий танқиднинг "жанговарлик руҳини ҳар қачонгидан кўра орттирмоқ" заруратига боғлайди. Бу талабнинг А.Расулов амалий фаолиятидаги исботи сифатида "Бадиийлик — безавол янгилик" китобидан жой олган "Нурли нигоҳ", "Ҳақиқатпараст", "Ибратли яшаш — санъат", "Танқид — топиб, билиб айтиш санъати" ва бошқа мақолаларини келтириш ўринлидир. Уларда истеъдодли мунаққидлар Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддинов фаолиятига, Олим Шарафиддиновнинг ижод йўлига бир назар ташланади. Адабий танқид майдонидаги баҳсларда холис бўлишга, мунаққиднинг ўйлаб гапириши, топиб, ўринли фикр айтиши, "етти ўлчаб бир кесиш" маданиятига урғу берилади.



Адабиёт назарияга доир айрим қўлланмаларда санаб ўтилган шаҳар ёки қишлоқ номлари — бу ҳали адабий макон тушунчасини бермайди. Дунё адабиётида "ўз мамлакати ва ўз фуқаролари"га эга адиблар кўп. Масалан, француз адиби Оноре де Бальзак яратган турли ижтимоий типларнинг сони 2000дан ортиқ эди. Бу унинг фуқаролари. Г.Э.Ионкис маълумотича, Бальзак "Инсоният комедияси" учун режалаштирган 143 асарининг 95 тасини ёзишга улгиради. Бальзакнинг адабий макони муайян тизимга келади. Қаҳрамонлари эса асарлардан асарларга кўчиб юради, табиатларининг турли қирраларини намоён этади. Ўзбек адабиётида бундай тажрибалар бор. Яқин ўтмишда яхшигина асарлар ёзган Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Галатепа"си — бу адабий макон даражасидаги тушунча. Унинг Ғайбаров, Ибодулло махсум, Назар махсум, Мустафо, Раим оқсоқол, Жонузоқ араб, Ғуччи чол ва бошқа қатор қаҳрамонлари худди Бальзакнинг одамларига ўхшаб, каттакичик насрий асарларнинг жанрий "чегара"сини бузиб, роман ва қиссаларида бемалол ҳаракат қилади... Бу ёзувчи қаровсиз "мамлакат"ида етим қолган "фуқаролари"нинг ҳолидан хабар олса, ўзбек адабиёти учун фойдали иш қилган бўлар эди... А.Расулов эътиборда тутган "маънавий олам", "таянч нуқта" бизнинг хаёлимизда меҳмон бўлиб юрган ана шундай мулоҳазаларни айтиш учун импульс (туртки) берди...

Хуллас, профессор Абдуғафур Расуловнинг "Бадиийлик — безавол янгилик" номли навбатдаги китоби кўплаб фазилатлари, илмий янгиликлари ва фикрга ундаши билан адабиёт муҳибларига муносиб бир совға бўлди.

**Баҳодир КАРИМ**

# Кимни нима чорлаяпти?

— Яқинда бир ибратомуз ривоятни ўқиб қолдим, — деб гап бошлади яқин дўстларимдан бири. У тахминан шундай ёзилганди:

Эрта тонгда анчайин очиқиб қолган тулки ўз соясига қараб ният қилди. «Бугун нонуштага туя ейман». У ҳўрак излаб анча вақт санғиб юрди. Кун ярмига борганда ҳолдан тойди ва олдингидан анча кичрайиб кетган соясига қараб деди: «ҳеч қиси йўқ, сичқонни ҳам ейвераман»

Шу ривоятнинг мазмун-моҳияти ҳақида жуда кўп ўйлайман. Баъзида ўзимни шу тулкининг ҳолига тушиб қолгандек ҳис этаман. Болаликда жуссам кичик бўлса ҳам, орзуларим жуда улкан эди. Жуссам катталашган сари, орзуларим майдалашиб кетди.

Дўстимнинг бу гаплари мени ҳам бир зум болалигимга қайтарди. Дарҳақиқат, ўша пайтда орзуларимнинг чеки йўқ эди. Зўр футболчи бўлишни, рақиб дарвозасига гол киритганимда бутун стадион мени олқишлашини тушларимда кўриб чиқардим. Бугун сал бўлмаса, ўша орзуларимни унутиб юборибман.

Нега шундай бўлди? Орзуларим шунчалар фантастик ва ғайриоддиймиди?

Орзуларимнинг руёбга чиқиши учун нимадир етишмади. Ҳа, айнан нимадир камлик қилди. Ахир истеъдодим етарли эди. Шароит ва муҳит ҳам ёмон эмасди. Ўйлаб-ўйлаб чиқарган хулосам шуки, мен орзуимга етишиш учун астойдил курашмаган, уни мақсадга айлантирмаган эканман.

Ҳаммамиз ҳам кўча-кўйда одамлардан «Болалигимда фалон нарсани орзу қилардим. Ундай бўлмасаям ҳарҳолда бундайроғига эришиб турибман» деган сўзларни эшитиб турамиз. Бу сўзлар аслида ўз-ўзига айтилган юпанчлар. Аммо бунинг замирида ўкинч-надоматлар ҳам йўқ эмас. Чунки, ўша орзулар болаликнинг беғубор онларида пайдо бўлган-да.

Ёдингизда бўлса, шу мавзуга яқинроқ бир ривоят бор.

Бева аёл бир неча кундан буён йиғиб келаётган тухумларини олиб, бозорга йўл олибди. Йўлда кета-кетгунча шу нарсаларни хаёл қилибди. «Ҳозир бозорга бориб тухумларни сотаман-да, кичикроқ бир эчки оламан. Эчкилар тез кўпаяди. Уларнинг сути, жуни ва гўштидан рўзғоримга барака киради. Кейин эчкиларни сотиб, пулига сигир оламан. Сигирларни боқаман, семиртириб, пулига...» Эҳ, аттанг, бева оёғи остидаги тошга туртиниб, йиқилиб тушди. Тухумлар ерга сочилиб кетди. Ҳаммаси синди. Улар билан бирга хаёлда «пишитилган» режалар ҳам. Шу воқеа сабаб, ўша аёл умуман хаёл сурмайдиган, бойиб кетиш ҳақида ҳам ўйламайдиган бўлибди.

Бу гаплар билан хаёл сурмаслик керак демоқчи эмасман. Фақат ҳаётдаги оддий туртинишлар, арзимас муваффақиятсизликлардан умидсиз ҳолга тушмаслик керак демоқчи эдим.

Олдимизга юксак мақсадлар қўйиб, улар сари ишонч билан, дадил интилсак нималаргадир албатта эришамиз. Фақат имкониятларимизни ҳам унутмасак бўлгани. Шунда бизни чорлаётган манзилларга етишимиз осон кечади.

**Элбек ЖУМАНОВ,**
*Қарши шаҳри.*

**АВВАЛИ**

## ВИЛОЯТ ОЗУҚА ИДОРАСИ

Муҳтарам картушка сотучиларга маълум қилодурким олар картушкани шаҳар озуқа қўмитасидан ҳар пути 2 сўм 40 тиндан ола билурлар. Ушбу шарт ила ким ўшал картушканинг қадоқи 7 тиндан ортиқ сотмасун.

Самарқанд вилоят озуқаси идорасининг садри.

**"Ҳуррият", 1917 йил 11 август.**

## ЭЪЛОН

Окружнуй суднинг таҳрири таржимони Нуъмон Фозил ўғли Фозилҳожи Абдусаломбой Самарқанда ҳар кун соат саккиз эртадан ўнғача ики кечдан олтиғача жумъа ва якшанба кунлари эртадан оқшомқача ҳар хил қоғозларни русча мусулмонча таржима қиладур. Ҳукумат ва озуқа маҳкамаларига замонча арзон баҳо илан ариза ҳам ёзадир.

**"Ҳуррият" 1917 йил 18 август.**

## САМАРҚАНД ХАБАРЛАРИ

2 августда Ҳошим ўғли Муҳаммад афанди жанобларининг заргарлик растасиндаги омборларини кўча тарафиндан очиб тўрт минг беш юз сўм чамасинда бўлғон турлу молларини олиб бориблар. Шул кунда милитса кетуруб прутақул ёздирмишлар ва ики кун сўнг шаҳар қумисариға бориб сўрғонда қумисар жаноблари бизнинг хабаримиз йўқ (?!) деб бошқадан прутақул ёзмоқчи бўлмишлар..!

**"Ҳуррият" 1917 йил 18 август.**

Авғуст сакизинда кеча хоним (Бибихоним) мадрасаси ёнидаги носфурушлик дўконига ўғрилар кириб дўконда ётғон Абдулраҳимни буғлаб ўлдургандан кейин уч минг сўм чамасинда бўлғон оқчасини олиб кетмишлар.

**"Ҳуррият" 1917 йил 18 август.**

Авғуст ўн бирда кеча Растаи навдаги базоз Мансур афанди дўконига ўғри келиб икки ярим минг сўмлик нарса ва оқчасин олиб кетмишлар..!

Ҳуррият: Шундайингина берса келатурғон нумирмиз бутун ўғрилиқ ҳодисасиндан тўлуб қола турғонға ўхшайдир.

**"Ҳуррият" 1917 йил 18 август.**

**Нашрга тайёрловчи: Олимжон Ботиров**

# МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

## «Иззат нима билдим, шу-да бир яшаш!»

ЭХТИРОМ



*Хуррият келдингми,*
*наҳотки келдинг!*
*Келар йўлларингда*
*пинҳона толдим.*
*Менинг ота-онам,*
*жон Ватанимда,*
*Элим тақдирида*
*абадий қолдинг...*

дея ўтлиғ сатрлар битиб, Ватан меҳрини дилларга жо этган, оламни «мушоира»га чорлаб, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо тимсолига айланган Зулфияхонимга гўзал пойтахтимизда у киши хотирасини ёд этиб ҳайкал ўрнатилганлиги шоиранинг фарзандлари, шогирдлари, жамики Ватандошларимиз қалбида ўчмас из қолдирди.

Айниқса, ижод аҳлини Юртбошимиз томонидан Зулфия опа ижодига кўрсатилган бундай буюк эҳтиром тўлқинлантириб, руҳлантириб юборган бўлса, мени донишмандона ҳайкал қаршисида баланд янграган шоиранинг мана бу сатрлари қалбимда ажиб туйғуларни уйғотди:

*Мен ўтган умримга*
*ачинмай қўйдим,*
*Ҳеч кимда кўрмайин*
*умримга ўхшаш.*
*Суйдим,*
*Эркаландим,*
*Айрилдим,*
*Куйдим.*
*Иззат нима билдим,*
*Шу-да бир яшаш!*

Аслида инсонга бундан ортиқ яна не керак? Умри давомида она юртга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини баҳор нафасига, тонг гўзаллигига, истиқлол бахтига қўшиб куйлаган шоира қалбида ушалмаган яна не орзу-истаклари, яна қандай армонлари қолди...

Шодликларга бурканган баҳор кунларининг бирида Зулфия опанинг тантанали кечган таваллуд айёми билан табриклагани шоиранинг қизи, академик Ойбек хонадонининг суюкли келини Ҳулкар опанинг даргоҳига ташриф буюрдик.

Учрашувдан боши кўкка етган Ҳулкар Олимжонова дадаси ва аясининг шеърларини меҳр ва соғинч билан ўқиркан, беихтиёр Зулфияхонимнинг ҳаёти ва ижодига бағишланиб 2006 йилда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Тонгнинг ўзидай пок ва ёркин» номли хотира китобини қўлимга тутқазди. Китобни меҳр ва қизиқиш билан варақлар эканман:

– Ҳулкар опа, сиз икки азим дарёни бағрида бирлаштирган катта уммон соҳибаси сифатида оилангизга ҳам, Зулфия опамизга ҳам сирдош, ҳамдард бўлгансиз. Яқинда севимли шоирамизга ўрнатилган ҳайкал Зулфияхоним қалбидаги орзу-армонларининг нечоғли ижобати бўлди?

– «Кечир, қўёлмадим шеъримдан ҳайкал...», - мени аямнинг бу сатрлари анчадан буён ўйлантириб келарди, – дея гап бошлади суҳбатдошим. – Улар ўзидан кейин юзлаб бошқа сатрларни чорлаб, хотирага солиб етаклаб келаверади. Эслайман, ўқийман, ўзимда раддим ошади: наҳотки? Наҳотки, ярим аср давомида қилган ишлари билан аямлар қониқмаган бўлсалар? Наҳотки, қалб ҳисси, бурч туйғуси ўртаса армон бўлиб, азоб берса?

Эсимда, бир куни раҳматли аямлар билан сўзлашиб ўтирибмиз. Гап янги чоп этилган ва табиийки, биринчилардан бўлиб аямиз қўлларига етиб келган «Ойбегим менинг» китоби ҳақида. Оилаларимиз ниҳоятда яқин бўлгани учун Зарифа опа ёзаётган хотиралар ҳақида, қўйингки, у хонадонда бўлаётган ишлар, гаплардан хабардор аяжоним: «Ойбек домлага ҳавасим келади. Ёнларида Зарифа опадай шахс бўлган киши ниҳоятда бахтли экан», деган эдилар. «Мана, Зарифа опа ҳаммасини кўз қорачиғидай асраб, сақлаб, тиклаб нашрга тайёрлашга ёрдам бердилар. Зарифа опа меҳнатисиз домланинг 20 жилдли асарлар тўпламини чоп этиб бўлармиди? Уй-музейни ташкил этишда ўзлари бош-қош бўлдилар. Мана энди хотира китоби чиқди. Бир киши бундан ортиғини қилолмас ҳам деб ўйлайман...» (Бу ўринда яшаб ўтилган узоқ умр, вояга етказилган фарзандлар, умуман, шодлик ва катта қийинчиликлар билан кечган умр назарда тутилади. Бу ҳақда аям 1970 йилда Ойбек домлага бағишланган «Қуёшли қалам» достонида ёзганлар). Йўқ, бу гал гап ижод, ёзилган, сақланаётган саҳифалар «қуёшли қаламдан» тўкилган ҳар бир сатрга муносабат ҳақида эди.

Яна бир гал Кибриёхоним Қаҳҳорованинг "Чорак аср ҳамнафас" номли китобини эслаб шундай ҳамдардлик ва ҳамкорлик ҳақида сўзладилар.

«Мен эса даданг ҳақида бир китоб ёзмадим, ҳатто бир достонимни тугатолмай юрибман...» Чеҳрасида, овозларида қанча афсус, алам борлигини тасаввур этиш осон эмас эди ўша пайт.

Мен юпатишга тушдим. «Аяжон, ундай деманг. Сизнинг шеърларингиз қайси китобдан кам? Йиллар давомида ёзган шеърларингиз туфайли дадамиз сиймоси одамлар қалбида яшаб келяпти. Дадам ҳақида Сизнинг сатрларингиз билан сўзлашиш мумкин-ку».

Қаранг, ҳар баҳорни ярим аср давомида шеър билан қарши олишга одатланган аямиз ижодларини дадамиз руҳи-хотирасисиз тасаввур қилиб бўлмаса ҳам ёзибдилар.

*Ярим аср қалам деҳқони бўлиб,*
*Кечир, қўёлмадим шеъримдан*
*Ҳайкал!*

Ростми? Шундай дейишга шоира ҳақлими? Хотираларни ўз ичига олган мақола ёки китобдан бу шеърларнинг салмоғи камми? Шу саволларга жавоб топиб келинган бўлса ҳам аямнинг руҳларини тинчлантиришни бурчим деб билдим.

Пойтахтимизнинг сўлим ҳиёбонларидан бирида аямга қўйилган ҳайкал биз – фарзандлар учун унутилмас бахтли воқеа бўлди. Истиқлол шарофати билан аямнинг шеърлари муносиб қадрланиб, дилидаги армонлар ушалди. Шу ўринда Ўзбекистон халқ рассоми, ҳайкалтарош Равшан Миртожиевнинг ҳам меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Оиламизга бўлган бундай юксак эътибор учун Юртбошимизга ва халқимизга миннатдорчилик билдирамиз.

Суҳбатимиз жараёнида шуни сездимки, жамиятда олима ва устоз сифатида ҳурмат қозонган Ҳулкар Ҳамидовна онаси ҳақида баландпарвоз гапиришдан истиҳола қилиб:

— Яхшиси энди аямни яхши билганлар билан, шогирдлари билан суҳбатлашинг, — дея эътироф этдилар. Муҳтарама олимамизнинг сўзларидан сўнг ҳамиша Зулфияхоним билан ҳамнафас ишлаган қадрдонлари ва шогирдларини суҳбатга тортдик.

Зулфияхонимнинг севимли шогирдларидан бири шоира Қутлибека Раҳимбоева эса:

— Менинг Зулфия опам, — дея хотираларини шундай буён этди:

— Давраларда «Зулфия» исми тилга олинса, ҳеч ким «Қайси Зулфия», деб сўрамайди. Ҳамманинг кўз олдида адл қоматли, ниҳоятда хушсурат шоира Зулфияхоним келарди. У киши давраларга кирса, давра бир қалқиб оларди. Катта-кичик лавозимларда ишлаётган кишилар ҳам Зулфия опанинг ҳузурларида ҳазил-ҳузул қилишмасди, овозларини баралла қўйиб кулишмасди. Балки шу қадар салобатлари улуғ бўлгани учун ҳам биз охир Зулфияхоним атрофида юрадиган ижодкор қизлар Зулфия опам ундай дедилар, Зулфия опам бундай дедилар, деб гапирсак, кўпчилик: «Ростдан-а? Зулфия опанинг ўзлари билан гаплашдиларингми? Қанчалар бахтлисизлар...», дея бизга ҳавас билан қарашларидан ғурурланардик.

Чиндан ҳам Зулфияхонимнинг кичик эътибори ҳам биз учун катта эшикларни очиб юборар эди. Устоз кўпчилик орасида: «Бу қиз жуда яхши шеър ёзади» ёки «Бу қиз менинг қизим», дея елкамиздан астагина қучиб қўйсалар, рўмолимиз ё сочимизними тўғрилаб қўйсалар, атрофдагилар бизга бошқача қарашарди. Ишимиз чиқиб, бирор идорага борсак ҳам «булар Зулфия опанинг қизлари», дея алоҳида эътироф этишарди.

Зулфияхонимнинг бу фоний дунёдан ўтиб кетганларига анча йиллар бўлди. Аммо шоира ҳақидаги хотираларимиз жонли, сўниб қолгани йўқ. Биз — у кишининг меҳр-муҳаббатини кўрган қизлар бир жойга йиғилсак, худди кеча бўлган воқеалар ҳақида гапиргандай «Зулфия опа ундай дегандилар, бундай дегандилар», дея эслашамиз. Қачон танишганимиз, танбеҳ берганлари, алқаганлари — ҳаммаҳаммаси ёдимизга келади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, атоқли ижодкор Ғафур Ғуломнинг қизлари Олмос опа эса шоира ҳақида бундай хотирлайдилар:

— Ўзимни танибманки, оиламизнинг Зулфия опага бўлган ҳурмат, меҳрини ҳар сўзда, ҳар ишда сезаман. Аямларнинг Зулфия опага бўлган муносабатлари опа-сингиллар муносабатидек эди. Бирон тансиқ овқат қилсалар, уларга илинар, уйимизда бирор шодиёна, меҳмондорчилик бўлса, Зулфия опамсиз ўтмас, уларникида бўладиган қувончлар ҳам бизсиз кечмасди. Дадамлар Зулфия опамларнинг ижодларига баҳо бериб, ўтмиш ва ҳозирги замон Шарқ шоирлари ичидаги энг ёруғ юлдуз деганлар. Агар вафо, оналик жасорати, нозиктаъблик, зукколик ҳақида гап борса, бизга Зулфия опамларни мисол қилар эдилар. Мен бутун умрим у кишига интилиб, ҳурмат қилиб келдим ва устозим деб биламан. У кишини ўйлаганимда меҳри дарё, нозиктаъб, гулга чулғанган ўрикзорларда набира, чевараларига шеър илмидан дарс бераётган гўзал Шарқ Аёли кўз ўнгимга келади.

Дарҳақиқат, ўзбек халқининг фахр-ифтихорига айланган шоира Зулфияхоним ҳақида уни билган, у билан мулоқотда бўлган, унинг ижоди билан яқиндан таниш бўлган шоиру адибларнинг қайси бирини суҳбатга чорламайлик, шоиранинг ижоди, ақл-заковати, меҳр-оқибати, мустаҳкам эътиқоди ва ўзбек аёлларига ибрат бўлишга лойиқ эзгу-фазилатлари хусусида тўлқинланиб сўзлашди. Шу билан бирга Зулфияхонимнинг маҳорат мактабидан баҳраманд бўлаётган ёш истеъдодлар ҳам ўз йўли ва сўзини топиб илдам одимлаб бораётгани нур устига аъло нур бўлди. Шундай гўзал фазилатлари, бетакрор шеърлари билан Зулфияхоним қалбимизда абадий қолди, у кишининг ҳайкали эса Аёл қалби, садоқат ва вафо тимсоли бўлиб мангу гавдаланади.

**Адиба УМИРОВА,**
**«Хуррият» мухбири.**

**СЎНМАС САТРЛАР**



**Ҳусан ЭШМУРОД — 1948 йил Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидаги Оқиртма қишлоғида туғилган эди. Кўплаб шеърлари вилоят ва республика матбуотида эълон қилинган. «Қўнғиротнинг қўшиғи» деб номланган шеърий, «Олтин бешигим» номли тарихий-бадиий китоблари чоп этилганди. Шоир шеърларидан бирида шундай ёзган эди: «Умр ҳам япроқдек омонат экан». 1996 йил шоирни бешафқат ўлим орамиздан олиб кетди. У киши бугун ҳаёт бўлганида 60 ёшга тўлган бўлур эди. Газетамизнинг ушбу сонида марҳум шоирни хотирлаб, қуйидаги шеърларини эълон қилмоқдамиз.**

## Юлдузлар фалакдан боққан сеҳриёт

### ВАТАН

*Юлдузлар фалакдан боққан сеҳриёт,*
*Тунлари излаймиз улардан ўзни.*
*Ажабо, осонмас ерда-ку ҳаёт,*
*Биз эса самога тикамиз кўзни.*

*Тўғри, дунё қадим, юлдузлар қадим,*
*Улар-ла яшайди салтанату шаън.*
*Қай бири азизроқ сизга, билмадим,*
*Мен учун энг қутлуғ юлдуз бу — Ватан.*

### СИРЛИ ТУШ
*(Онам хотирасига)*

*Онажоним, кеча ажаб туш кўрибман,*
*Тушимда бир мажруҳгина қуш кўрибман.*
*Унинг билан сўзлашмоққа чоғландим-у,*
*Сизга боқсам имлайсиз, хомуш кўрибман.*

*Мен нетайин ҳавас куртак отган бўлса,*
*Қушча кўзи юрагимга ботган бўлса.*
*Не қиласиз, онажоним, имлаб мени,*
*Юсуфингиз ёнингизда ётган бўлса.*

*Қўйинг, эна, сизни йўқлаб бўзлаб турай,*
*Йиғлаб-йиғлаб шеърларимда излаб турай.*
*Дўстларим-ку, мендан юзин ўгиришган,*
*Ҳеч бўлмаса қушчаларга сўзлаб турай.*

*Имкон бўлса фикрингиздан қайтинг, Она,*
*Тушларимга кириng-да, улғайтинг, Она.*
*Олдин кетган отажоним сўраб қолса,*
*Шоир ўғлин соғинганин айтинг, Она.*

*Бу кун менга юлдузлар ёт,*
*тунлар — дўстим,*
*Юрагимни тишлаб тортган*
*унлар — дўстим.*
*Ором олинг, мунисгинам, менга ҳеч дам,*
*Бўлолмагай ойдин-ойдин кунлар дўстим.*

### ДОВУЛ

*Ташқарида ўкирар довул,*
*Эссиз дарахт кетмоқда ҳолдан.*
*Тангрисидан тилайди овул,*
*Айрилма деб новда-ниҳолдан.*

*Сочларини юлиб йиғлайди,*
*Титраб турар яланғоч тутлар.*
*Бошпанасиз изғирин дайди,*
*Сурбет довул, довулни қутлар.*

*Силкилайди ҳуштагин чалиб,*
*Жазавада довул бағри тош.*
*Бир-бирига суяниб олиб,*
*Дов дарахтлар берарди бардош.*

### ЙЎЛИҚДИМ

*Оқ каптар изладим, қарға йўлиқди,*
*Ўйламай сўзладим, зўрга йўлиқдим.*
*Теп-текис йўлларга талпиндим, бироқ,*
*Нуқул қирноқ тошли қирга йўлиқдим.*

*Ғирт авом эканман, ғўр экан хушим,*
*Шўр экан тақдирим, шўр экан бошим.*
*Бир ширин суҳанли малакни излаб,*
*Тиллари оғули хурга йўлиқдим.*

*Каттами кичикми сизлаб яшадим,*
*Ўзгадан фазилат излаб яшадим.*
*Юз-кўзи тип-тиниқ дўсту улфатлар,*
*Тондилар, юраги кирга йўлиқдим.*

*Замин лиқ хавотир, осмон хавотир,*
*Мен умид қўйганим замин хавотир.*
*Кўнглим косасидан дард тошиб ётир,*
*Во ажаб қоп-қора нурга йўлиқдим.*

*Бир ёруғ кунларга чора излайман,*
*Кўксим қон, юрагим яра излайман.*
*Афсуски, бу дардга бир ўзим эмас,*
*Одамлар, сиз билан бирга йўлиқдим.*

*Кўп юрган йўликдан юриб оқибат,*
*Муҳаббат аталмиш сирга йўлиқдим.*

### ЮЛДУЗЛАРГА АРЗ

*Мискин хаёллардан ҳоридим бир кун,*
*Гоҳо кўксим узра ғимирлар бир ҳис.*
*Умид-ла тикилар дийдалар беун,*
*Юлдузлар, не учун сиз бунча олис.*

*Тунлари самога ёлвораман хўб,*
*Кўзингиз юммангиз, мададкор кўзлар.*
*Бир дарвеш дардини енгил қилай деб,*
*Қанийди, бир пастга тушса юлдузлар.*

*Шунда мен тўлишган арзи-ҳолимни,*
*Қолдирмай сизларга тўкиб солардим.*
*Заминга қолдириб қўл рўмолимни,*
*Балки, сизлар билан кетиб қолардим.*

**Ҳусан ЭШМУРОД**

## Таниқли кишилар ҳаётидан

Атоқли ўзбек шоири Мақсуд Шайхзода олий мактабда маъруза ўқирди. У киши ашаддий кашанда эди. Шунинг учун институт ректорининг махсус буйруғи билан Шайхзодага дарс пайтида чекишга рухсат берилган эди.

***

Садриддин Айний забардаст ёзувчи, олим ва донг таратган пазанда эди. У киши пиширган нишолда билан ҳолвани манаман деган ошпазлар ҳавас қиларди.

***

Буюк олим Менделеев илмий ишларидан бўш вақтларида чемодан ясаб сотар, шу йўл билан рўзғор тебратар эди.

***

Маяковскийнинг миясини магнитофонга ўхшатишади. У катта-катта шеърларни ҳам бир ўқишда ёд оларкан. Учрашувларда ўзи ёзган достонларни ёддан ўқир экан.

***

Машҳур ўзбек шоири Ғафур Ғулом яхшигина рассом эди. У дутор чалганда юракларни сел қилар, тожик, татар, қозоқ, озар тилларида бемалол гаплашарди.

***

Француз ёзувчиси Эмиль Золя асосан кечаси ишларди. У уйқусини қочириш учун ҳар куни уч-тўрт литргача кофе ичар экан.

***

Эрнест Ҳемингуэй ниҳоятда мерган бўлган дейишади. У баҳс ўйнаб бир одамнинг оғзида тутаб турган сигаретни отиб туширган экан.

***

Америка президенти Рузвельт ўта кўнгилчан ва маданиятли киши эди. У янги йилга бағишланган зиёфатда бир йўла 1800 меҳмоннинг қўлини сиқиб табриклабди.

***

Рус олими Павлов ўлим тўшагида ётар экан, ўзи сабоқ берадиган талабаларни чиқартирибди. У ўлими қай тариқа кечаётганини бирма-бир айтиб турибди: "Ана, оёқларим музлай бошлади, ана, қўлларим увишди, нафас етмаяпти..."

Талабалар ёзиб улгурмай буюк олим жон берибди.

**Саъдулла СИЁЕВ тайёрлади.**

**РИВОЯТ**

## Марвазий таслим бўлди

Марв шаҳрида Марвазий деган бир мударрис бўларди. У илмига ишониб ўзига андак бино қўйганди. Хожа Аҳмад Яссавий ҳақидаги ёлғон-яшиқ гаплар бир куни Марвазийнинг қулоғига ҳам етди. У туркистонлик авлиёни жамоат олдида мот қилмоқчи бўлди. Шу ниятда уч минг мушкул масъала ҳозирлади. Қабатига тўрт юз мужовир билан қирқ нафар муфтийни олиб, «Туркистон қайдасан», — деб йўлга тушди.

Бул кезда шайхул-машойих хонақоҳда толиби илмларга сабоқ бериб ўтирардилар. Кўнгил кўзи билан кўрдики, Марвазий карсони Туркистон сари келмоқда. Ҳазрат халифаси Муҳаммад Донишмандни чорлаб дедилар:

— Ҳуросон тарафга бир боқинг, сўфи. Биз бирла мубоҳаса қилмоқ ниятинда Марвазий жаноблари келаётир. Хаёлида уч минг масъала. Сўфи, анинг хотиридан минг масъалани чиқоринг.

Сўфи Донишманд пир амрини бажо келтирди. Марвазийнинг кўнглидаги уч минг масъаланинг бир минги унут бўлди.

Мударрис Яссига етиб келди. У Яссавий тарафдорлари ила дарҳол мунозарага киришмоқни истади. Ҳазрати султон буюрдиларки, меҳмон атои худо, уч кун ҳордиқ чиқарсин, андин сўнг мажлис қурадурмиз. Марвазий ноилож қолди ва мусофирхонага чекинди. Шайхул-машойих иккинчи халифаси Ҳаким Сулаймонни ҳузурига чорладилар.

— Сулаймонқул, Марвазийнинг хаёлида икки минг масъала жой талашадур. Тенг ярмини ўчиринг.

Ҳаким Сулаймон Олло таолога мурожаат қилди. Марвазийнинг кўксида жўш ураётган икки мингта саволнинг мингтаси бирдан ғойиб бўлди.

Ниҳоят мубоҳаса бошланди. Марвазий минбарга чиқди. У атрофига ғолибона боқиб мушкул саволларини беришга чоғланди. Шу пайт пири муршидининг ишораси билан Сўфи Донишманд мударриснинг дилидаги мингта масъалани шам ўчирди. Марвазий оғиз жуфтлаб гапирмоқчи бўлар, аммо уч мингта саволнинг биронтасини ҳам эслай олмай изтироб чекарди. Вал-оқибат мударрис қўйнидан қалин дафтар олди. Берилажак саволлар шу ерга ҳам дарж этилган эди. Мударрис иншосини ўқимоқчи бўлиб дафтар варақлади. Эвоҳ, не кўз билан кўрсинки, ёзувлари ўчиб кетган, дафтар саҳифалари оппоқ эди.

Мударрис бир неча сония минбарда лолу карахт бўлиб қизариб турди. Сўнг хатосини англади. Бир-бир босиб шайхул-машойихнинг олдига келди. Тиз чўкиб пирнинг этагини ўпди.

— Шаккоклик қилдим, пирим, авф этинг, — деди хўрсиниб. — Шу ондин эътиборан тариқатингизни қабул қилдим. Бир ёмон муридингиз бўлиб хизматингизга бел боғламоқ ниятимдир, шайхим...

Султон ул-орифин Марвазийни ҳам, унинг ҳамроҳларини ҳам муридликка қабул қилдилар. Ҳуросонлик мужоварлар неча замон Яссавий ҳазратларининг даргоҳида зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаб юксак мартабаларга эришдилар.

**Садр АҲМАД**

### САМЮЭЛ ЯНА МУШТЛАШМОҚЧИ

Кўпчиликнинг хабари бор, ўтган ҳафта Мексиканинг Канкунесида оғир вазнли боксчилар Самюэл Питер ва Олег Маскаев ўртасида шиддатли мушт лашув бўлиб ўтганди. Ушбу учрашувда нигериялик спортчи россиялик чарм қўлқоп устасини техник накаутга учратган эди. Жангдан сўнг, ғалабадан руҳланган Самюэл Питер украиналик ака-ука Кличколарнинг қайси бири бўлишидан қатъий назар уларга қарши ҳозироқ рингга чиқишга тайёр эканлигини маълум қилди.

– Мен, – дейди боксчи журналистларга берган интервьюсида, – барча нигериялик ва африкаликларни ғалаба билан табриклайман. Энди улар фахрланса фахрлангудек мендайин оғир вазнли чемпиони бор. Россиялик боксчини мағлуб этдим ва ҳозир ҳам ўзимни кучли ҳис этаяпман. Яъни Кличколар билан мушт лашишга тайёрман.

Самюэл Маскаевни мағлуб этиб, WBC йўналишининг тўлақонли чемпиони бўлди. Шунингдек, Виталий Кличко ҳам худди шундай камар соҳиби ҳисобланади.

Воқеалар ривожининг қизиғи шундаки, оғир вазн тоифасида Россияда бирорта ҳам чемпион қолмади. Маскаев сўнгги камарни ҳимоя қила олмаган бўлса, Султан Ибрагимов икки ҳафта муқаддам Владимир Кличкога мағлуб бўлган эди. Ўтган йили эса Николай Валуев ҳамюртимиз Руслан Чагаевга имкониятни бой бергани ҳаммага маълум.

### ЧЕМПИОНЛАР МУСОБАҚАСИ БОШЛАНДИ

Бугун Осиё чемпионлар Лигаси – 2008 гуруҳ босқичи доирасида қитъамизнинг бир қатор шаҳарларида биринчи тур футбол учрашувлари бўлиб ўтади. Ана шундай ўйинлардан бири пойтахтимиздаги «МҲСК» стадионида Тошкентнинг «Пахтакор» ва Қувайтнинг «Ал Қодисия» жамоалари ўртасида ўтказилади. Юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган яна бир жамоамиз «Қурувчи» меҳмонда Миржалол Қосимов бошчилигида Саудия Арабистонининг маҳаллий «Ал Иттиҳод» футбол клубига қарши тўп суради.

### ЎСМИРЛАРИМИЗ МАҒЛУБ

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси айни кунларда Сингапурда бўлиб ўтаётган «Lion City

**СПОРТ**

cup championship 2008» халқаро турнирида иштирок этмоқда. Бу турнирда терма жамоамиз тўртта ўйинда майдонга тушиб, ўз гуруҳидаги Вьетнам, Таиланд ҳамда мезбонлар термаси билан баҳс олиб боради. 10 март куни ҳамюртларимиз Таиланд терма жамоаси билан беллашиб, 0:1 ҳисобида имкониятни бой берди. Бугун Роберт Гай шогирдлари вьетнамлик футболчиларга қарши майдонга тушса, эртага сингапурликлар билан куч синашадилар.

**Абдуазим тайёрлади.**



*Афсонавий футболчи Пеле 2014 йил Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг расмий рамзи деб эълон қилинди.*

O'zbegim angla!
HURRIYAT
Mustaqil gazeta

**Муассис:** Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдурасул ЖУМАҚУЛ

**Таҳрир ҳайъати:** Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

*Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

**Телефонлар:** 236-53-92, 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15
**Реклама ва маркетинг бўлими:** 236-56-38 **Тел-факс:** 233-36-02.

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

**Бухоро** — 8-365-715-30-57
**Самарқанд** — 8-366-233-62-12
**Сирдарё** — 8-367-374-81-53
**Сурхондарё** — 8-376-335-10-22
**Фарғона** — 8-373-225-80-58
**Хоразм** — 8-362-226-20-80
**Қашқадарё** — 8-375-221-78-50
**Қорақалпоғистон** — 8-361-55-428-97

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.**
**Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

**Навбатчи:** Азим Рўзиев

**Топшириш вақти** — 21.00
**Топширилди** — 23.45

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-154 Адади: 8010 1 2 3 4 5 7 8